

ISSN 2181-0826

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY
TADQIQOTLAR INSTITUTI ILMIY JURNALI

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO

TUPROQSHUNOSLIKDAGI ENG
DOLZARB MAVZULAR

ВАЖНЕЙШИЕ ТЕМЫ
ПОЧВОВЕДЕНИЯ

THE MOST IMPORTANT THEMES
IN SOIL SCIENCE

ILMIY JURNAL №4/2023

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO ILMIY JURNAL



MAZKUR JURNAL SAHIFALARIDA RESPUBLIKA VA XORIJIY MAMLAKATLARDA TUPROQSHUNOSLIK, AGROKIMYO VA AGROTUPROQSHUNOSLIK SOHALARIDA OLIB BORILGAN ILMIY TADQIQOTLAR NATIJALARI, YANGILIKLAR, ILMIY YUTUQLARGA OID MAQOLALAR CHOP ETILADI.

НА СТРАНИЦАХ ЭТОГО ЖУРНАЛА ПУБЛИКУЮТСЯ СТАТЬИ О РЕЗУЛЬТАТАХ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, НОВОСТЯХ, НАУЧНЫХ ДОСТИЖЕНИЯХ В ОБЛАСТИ ПОЧВОВЕДЕНИЯ, АГРОХИМИИ И АГРОПОЧВОВЕДЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ.

ON THE PAGES OF THIS JOURNAL ARTICLES ARE PUBLISHED ON THE RESULTS OF SCIENTIFIC RESEARCH, NEWS, SCIENTIFIC ACHIEVEMENTS IN THE FIELD OF SOIL SCIENCE, AGROCHEMISTRY AND AGRICULTURAL SOIL SCIENCE IN THE REPUBLIC AND FOREIGN COUNTRIES.

Eslatma: "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnali O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti muassisligida 2022-yildan buyon nashr etilmoqda.

Endilikda ushbu ilmiy jurnal, O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va inovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi tomonidan 2022 yil 29-dekabr dan 03.00.00-Biologiya fanlari bo'yicha, 2023 yil 31-yanvardan 06.00.00-Qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etishga tavsiya etilgan milliy nashrlar ro'yxatiga kiritildi.

Asos: O'zbekiston Respublikasi OAK Biologik tadqiqotlar va biotexnologiyalar bo'yicha (27.12.2022 y., № 12) hamda Qishloq xo'jaligi, vaterinariya va oziq-ovqat tadqiqotlar bo'yicha ekspert kengashlarining tavsiyasi (29.12.2023 y., № 1); O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining qarorlari (29.12.2022 y., № 330/5 va 31.01.2023 y., № 332/5).

Ushbu "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnalida nashr etilgan maqolalarda keltirilgan ma'lumotlarning haqqoniyligiga mualliflar mas'uldir.

Jurnaldan ma'lumotlar ko'chirib olinganda "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnalidan olindi, deb ko'rsatilishi shart.

«TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR
AGENTLIGIDA 2020 YIL 9 MARTDA 1056 SON BILAN
RO'YXATGA OLINGAN.

MUASSIS:

QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

BOSH MUHARRIR:

SHUHRAT BOBOMURODOV

MUHARRIRLAR:

ZAFAR BAHODIROV
AKBAR XUDOYQULOV
RAVSHAN NURMATOV

ADABIY MUHARRIR:

JALOLIDDIN JO'RAYEV, FIL.F.D

MAS'UL KOTIB:

MIRAZIZ MIRSODIQOV

TAHRIR HAY'ATI:

1. J.S. SATTAROV, q.x.f.d., akademik
2. Sh.S. Namozov, t.f.d., akademik
3. M.I. Ruzimetov, q.x.f.d.
4. Sh.J. Teshayev, q.x.f.d., professor
5. A.M. To'rayev, b.f.d., professor
6. M.A. Mazirov, b.f.d., professor (Rossiya)
7. A.N. Chervan, q.x.f.n. (Belorusiya)
8. Georg Guggunberge, professor (Germaniya)
9. Raushan Ramazonova, q.x.f.n. (Qozog'iston)
10. A.X. Hamzayev, q.x.f.d., professor
11. Sh.N. Nurmatov, q.x.f.d., professor
12. A.X. Abdullayev, t.f.d.
13. R.A. To'rayev, t.f.d., professor
14. N.Y. Abduraxmonov, b.f.d., professor
15. L.A. Gafurova, b.f.d., professor
16. H.T. Artiqova, b.f.d., professor
17. T.A. Abduraxmonov, q.x.f.d., professor
18. M.M. Toshqo'ziyev, b.f.d., professor
19. R. Kurvontoyev, q.x.f.d., professor
20. N.X. Usanboyev, t.f.d., professor
21. A.J. Boirov, q.x.f.n., k.i.x.
22. A.U. Ahmedov, q.x.f.n., k.i.x.
23. A.A. Karimberdiyeva, q.x.f.n., k.i.x.
24. A.J. Ismonov, b.f.n., k.i.x.

JURNAL 2022 YILDAN CHIQA BOSHLAGAN. BIR YILDA TO'RT MARTA CHOP ETILADI.

BICHIMI 60X841/8 «TIMES NEW ROMAN» GARNITURASIDA OFSET USULDA CHOP ETILDI.
BOSMA INDEKSI: 1410. SHARTLI BOSMA TABOG'I 1,16 ADADI 25 DONA. BUYURTMA №34"
AGRAR FANI XABARNOMASI" MCHJ BOSMAXONASIDA CHOP ETILDI.

**«TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALINING 4-SONI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI
MULTI MEDIA MARKAZI BILAN HAMKORLIKDA TAYORLANDI**

BOSISHGA RUXSAT ETILDI: 28.12.2023 YIL

TAHRIRIYAT MANZILI:

TOSHKENT SHAHAR, OLMAZOR TUMANI,
QAMARNISO KO'CHASI 3-UY
E-MAIL: JURNAL@SOIL.UZ
SOILJURNAL@UMAIL.UZ



BOSMAXONA MANZILI:

QIBRAY TUMANI UNIVERSITET
KO'CHASI №2

MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

YANGILIKLAR

A. XUDOYQULOV.

"TUPROQ VA SUV – YERDAGI HAYOTNING ASOSI" TOSHKENTDA BUTUNJAHON TUPROQ KUNI NISHONLANDI

6-7

TUPROQSHUNOSLIK

Ш. БОБОМУРОДОВ, З. БАХОДИРОВ.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН FOЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТУПРОҚЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚИШ

8-13

Н. АБДУРАХМОНОВ, Ў. СОБИТОВ, Қ. ҚУРДАШЕВ.

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎЛОҚИ-БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГИПСЛАШГАНЛИК ҲОЛАТИ

14-18

Z. BAKHODIROV, Y. NORMOTOV, H. KARSHIBOYEV, A. MAMATKULOV, Q. GULIMOV, Z. BERDIMURATOV, S. TUKLIBAYEV.

MAPPING OF SOIL PROPERTIES USING GIS TECHNOLOGIES AND REMOTE SENSING MATERIALS

19-25

TUPROQ MELIORATSIYASI

Ш. БОБОМУРОДОВ, А. АХМЕДОВ, Х. АРТИКОВА, Ж. ТУРДАЛИЕВ, С. САНАКУЛОВ.

ОРАШАЕМЫЕ ПОЧВЫ ОСНОВНЫХ ОАЗИСОВ УЗБЕКИСТАНА И ИХ ЗАСОЛЕНИЕ

26-35

P.B. ДЕСЯТКИН, А.З. ИВАНОВА, Р. КУРВАНТАЕВ.

ВЛИЯНИЕ КАТАСТРОФИЧЕСКИХ ПАВОДКОВ НА ПОЧВЕННЫЙ ПОКРОВ ДОЛИНЫ РЕКИ АЛАЗЕЯ И ВОДОХРАНИЛИЩИ

36-44

S. ZAKIROVA.

FITOMELIORATIYA YO'LI BILAN TUPROQLARNI MELIORATIV HOLATINI YAXSHILASH

45-51

Д. ЖАНИБЕК КЫЗЫ, А. МИРЗАМБЕТОВ, Б. ЖОЛЛЫБЕКОВ.

ЭКОЛОГО – МЕЛИОРАТИВНОЕ СОСТОЯНИЕ АЛЛЮВИАЛЬНО-ЛУГОВЫХ ПОЧВ СЕВЕРНОЙ КАРАКАЛПАКИИ

52-55

А. АХМЕДОВ, Ж. ТУРДАЛИЕВ, С. САНАКУЛОВ, Н. БУРХОНОВА, Д. ТУРДИМУРАДОВ.

АКТУАЛЬНЫЕ ПОЧВЕННЫЕ И ВОДНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ОСНОВЫ МЕЛИОРАЦИИ ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ АРИДНОЙ ЗОНЫ

56-60

AGROTUPROQSHUNOSLIK

Q. GULIMOV, Z. BAHODIROV.

SIRDARYO VILOYATI MIRZAOBOD TUMANI SUG'ORILADIGAN BO'Z-O'TLOQI TUPROQLARINING MEXANIK TARKIBI

61-64

AGROKIMYO

А.И. БЕЛЕНКОВ, М.А. МАЗИРОВ, Ш.М. БОБОМУРАДОВ, В.А. НИКОЛАЕВ.

РЕЗУЛЬТАТЫ НАУЧНОГО И ПРАКТИЧЕСКОГО ОСВОЕНИЯ ТОЧНОГО ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В ПОЛЕВОМ ОПЫТЕ РГАУ – МСХА ИМЕНИ К.А. ТИМИРЯЗЕВА

65-76

М. ТАШКУЗИЕВ, С. МУСТАФАЕВА, Т. БЕРДИЕВ.

НОВЫЕ ФОРМЫ ОРГАНИЧЕСКИХ И МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВИРОВАННЫХ ФОСФОРНО-ГУМИНОВЫХ УДОБРЕНИЙ, ИХ ВЛИЯНИЕ НА МОБИЛИЗАЦИЮ ПОЧВЕННЫХ ФОСФАТОВ И ПРОДУКТИВНОСТЬ КУЛЬТУР ХЛОПКОВОГО КОМПЛЕКСА

77-87

Н. БУРХАНОВА, А. АХМЕДОВ, Ж. ТУРДАЛИЕВ.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚОРАҚЎЛ ТУМАНИ Й.ОХУНБОБОВЕВ МАССИВИДА ТАРҚАЛГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЧЎЛ ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ҲОССАЛАРИ

87-91

А. КАРИМБЕРДИЕВА, Ж. КУЗИЕВ, А. ИСМАНОВ, Ш. ЖУМАЕВ, Н. АВЕЗОВА.

ПЛОДОРОДИЕ БОЛОТНО-ЛУГОВЫХ ПОЧВ И ИХ РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ

92-95

Б. АТОЕВ, М. ЭГАМБЕРДИЕВА.

ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

95-102

Н. БУРХАНОВА, А. АХМЕДОВ, Ж. ТУРДАЛИЕВ.

БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ТУМАНИ БЎСТОН МАССИВИДА ТАРҚАЛГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЧЎЛ ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ҲОССАЛАРИ

103-108

X. MUVDINOV, A. DAVRANOV.

KUNGABOQAR YETISHTIRISHDA QO'LLANILADIGAN YUQORI SAMARALI BIOO'G'IT KOMBINATSIYALARINI YARATISH

109-114

XOTIRA MANGU, XOTIRA ABADIY

N. BAHODIROVA. USTOZ HAYOTI – BIZ UCHUN IBRATDIR!

115-116

“Tuproq va suv – yerdagi hayotning asosi” **TOSHKENTDA BUTUNJAHON TUPROQ KUNI** **NISHONLANDI**

O'zbekistonda Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti o'tgan asrning 20-yillarida tashkil qilingan bo'lib, mustaqillik yillariga kelib jadal rivojlana boshladi. Mamlakatda yuqori malakali olimlarning mavjudligi, yer resurslaridan oqilona foydalanish yo'lida Tuproqshunos olimlarning samarali ilmiy tadqiqotlari va amaliy ishlanmalari bugun qishloq xo'jaligida faoliyat yurituvchilar uchun ishonchli dargohga aylanib ulgurdi.

Institut o'zining 100 yildan ziyod faoliyati davomida Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar sohasida dunyo ilmiy hamjamiyati tomonidan tan olingan yirik ilmiy tadqiqot institutiga aylandi.



Har yili 5 dekabr Butunjahon tuproq kuni keng nishonlanadi. Xalqaro tuproq kuni 2002 yilda Tuproq haqidagi fanlar xalqaro ittifoqi tomonidan tavsiya etilgan. Global tuproq hamkorligi doirasida Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO) bu kunni xabardorlikni oshirish uchun global platforma sifatida rasmiy ta'sis etilishini qo'llab-quvvatladi. FAO konferensiyasi 2013 yil iyun oyida Butunjahon tuproq kunini o'tkazishni bir ovozdan ma'qulladi va buni BMT Bosh Assambleyasining 68-sessiyasida rasmiy tasdiqlanishini so'rab murojaat qildi.

Tuproq va suv yerdagi hayotni ta'minlovchi eng muhim manbalaridir. Oziq-ovqat mahsulotlarining 95 foizi tuproqdan olinadi va uning sifati ushbu ikki

asosiy manbaning sifatiga bog'liq. Tuproq va suv o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik bizning qishloq xo'jaligi tizimlarimizning asosini tashkil qiladi. 2023 yilda nishonlanayotgan Butunjahon tuproq kunining mavzusi “Tuproq va suv – yerdagi hayotning asosi”.



Toshkentda 2023 yil 5 dekabr - Butunjahon tuproq kuni munosabati bilan “Tuproq degradatsiyasining oldini olishning innovatsion texnologiyalari” mavzusida Respublika ilmiy-amaliy seminari bo'lib o'tdi.



Tadbir Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti bilan FAOning O'zbekistondagi vakolatxonasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi hamkorligida tashkil etildi.

Tadbirda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Senati va Qonunchilik palatasi, tegishli vazirlik va idoralar vakillari, shuningdek, olimlar, tadqiqotchilar, milliy va xorijiy tuproqshunos mutaxassislar ishtirok etib, ular tuproq va suv resurslarini barqaror boshqarish, eroziya hamda tuproq degradatsiyasiga qarshi kurashning

zamonaviy usullari, neytral muvozanatni saqlash, yer degradatsiyasi, shuningdek, boshqa dolzarb masalalar bo'yicha ma'ruzalar taqdim etdilar.



Ta'kidlash joizki, Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti tuproq unumdorligini saqlash va yaxshilash, degradatsiya jarayonlarining oldini olish va ularning oqibatlariga qarshi kurashish bo'yicha keng ko'lamli ilmiy-amaliy tadqiqotlar olib bormoqda. Xususan, qishloq xo'jaligi yerlari meliorativ va ekologik holatini yaxshilash bo'yicha ishlar olib borilmoqda. Qishloq xo'jaligida resurslarni tejaydigan (no-till) texnologiyalar joriy etilmoqda, ekinlarni o'g'itlashning zamonaviy tizimlari ishlab chiqilmoqda, organik dehqonchilik uchun ekologik toza tuproq sharoitlari yaratilmoqda, tuproqlarni tahlil qilishda xalqaro standartlar qo'llanilmoqda. Bundan tashqari, sun'iy intellekt texnologiyalari va tuproqshunoslikni raqamlashtirishdan foydalangan holda tuproqlar holati monitoringi amalga oshirilmoqda.



Tadbirda minimal yumshatish, almashlab ekish, organik moddalar solish va qoplama ekinlar kabi tuproqni

barqaror boshqarish usullari tuproq holatini yaxshilash, eroziya va ifloslanishni kamaytirish, yer osti suvlarining infiltratsiyasi va to'planishini yaxshilashi ta'kidlandi. Tuproq va suv resurslarini barqaror boshqarish Yerning qurg'oqchilik, toshqin va qum bo'ronlari kabi ekstremal iqlim hodisalariga qarshi turish qobiliyatini oshirish imkonini beradi.



5-dekabr "Butunjahon tuproq kuni"ga bag'ishlab "TUPROQ DEGRADATSIYASINI OLDINI OLIHSDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR" mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy seminari Poytaxtimizdagi "Frank Fort" mehmonxonasi konferensiyalar zalida o'tkazildi.

Mazkur anjumanda soha olimlari global iqlim o'zgarishi natijasida yuzaga kelayotgan sahrolanish, yerlar degradatsiyasi, sho'rlanish, tuproqlar eroziyasi, atrof-muhitni ifloslanishi kabi salbiy va dolzarb masalalarni hal etishda tuproqshunos, agrokimyogar va boshqa turdosh soha olimlarining olgan yangi nazariy va amaliy yangiliklari, sohani raqamlashtirish yo'nalishida erishgan yutuqlari, innovatsion g'oyalari bilan o'rtoqlashdilar.



A.XUDOYQULOV

УДК 631.4

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТУПРОҚЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Бобомуродов Шухрат Меҳрибонович,

б.ф.д., директор, e-mail: shuhrat_bm@inbox.ru

Баходиров Зафар Абдувалиевич,

PhD, к.и.х., бўлим мудири, zafarbahodirov@gmail.com

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мазкур мақолада сунъий интеллект технологиялари асосида тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берувчи дастурий таъминот бўйича маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: тупроқ маълумотлари, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, интеллектуал таҳлил, маълумотлар базаси, дастурий таъминот.

Аннотация. В этой статье представлена информация о программном обеспечении, которое предоставляет научно обоснованные рекомендации для быстрого, точного и эффективного анализа, оценки и мониторинга почвенных ресурсов на основе технологий искусственного интеллекта.

Ключевые слова: данные о почве, цифровые технологии, искусственный интеллект, интеллектуальный анализ, база данных, программное обеспечение.

Annotation. This article provides information on software that provides scientifically based recommendations for quick, accurate and effective analysis, evaluation, and monitoring of soil resources based on artificial intelligence technologies.

Key words: soil data, digital technology, artificial intelligence, intelligent analysis, database, software.

Сўнгги 50 йил ичида дунё аҳолиси 3 миллиарддан 7 миллиардга ошиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган юқори талабни яратди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти тахминларига кўра, 2050 йилгача дунё аҳолиси 30 фоизга ошади, демак, озиқ-овқат маҳсулотларини 70 фоизга ошишига эришиш керак. Ерларнинг деградацияга учраши, иқлим ўзгариши ва бозорнинг ўзгариши қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавф-сизлигини таминлашда муаммоларни юзага келтирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ИТ-технологияларни ишлаб чиқаришга киритиш уску-

налар, датчиклар, дронлар, сунъий йўлдошлардан олинган маълумотларни бир нуқтада бирлаштирадиган инновацион дастурлардан фойдаланган ҳолда оптимал қарор қабул қилиш орқали режалаштирилмаган харажатларни 20% гача ёки ундан ҳам кўпроқ камайтириши мумкин. Янги технологиялар, маҳсулот сифатини кафолатлайдиган ва харидорларнинг талабларини қондирадиган маҳсулотни сотишдан истеъмолчигача бутун йўлни кузатишга имкон беради.

Бу борада тупроқшунослик соҳасига рақамлаштиришни кириб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас

қисмига айланди. Рақамли технологиялар иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида кенг тадбиқ этилмоқда ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда тупроқшунослик соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича кенг қўламли илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, McBratney ва бошқалар томонидан таклиф қилинган рақамли тупроқ хариталаш тизими орқали ёрдамчи ўзгарувчилар ва тупроқ хусусиятларини ўзаро боғлаш учун кўплаб башорат моделлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Масалан, Minasny ва бошқалар тупроқ органик моддасини моделлаштириш ва тупроқ органик моддасининг атроф-муҳит ковариативлари билан алоқасини ҳар томонлама таҳлил қилди. Анъанавий ёндашувлар билан солиштирган ҳолда тупроқ хоссаларини ўрганиш учун умумлаштирилган чизиқли моделлар, регрессия дарахти моделлари, тасодифий ўрмон, кубист, вектор регрессиясини қўллаб-қувватлаш ва тасодифий ўрмон регрессияси каби сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланилган [1-11].

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида ҳам тупроқшуносликда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва фанни рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сонли «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Фармони доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида институтда «Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ресурсларини

тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш» мақсадли амалий лойиҳаси амалга оширилди.

Ушбу лойиҳа доирасида лойиҳа объекти бўлган Сирдарё вилояти Мирзабод тумани тупроқлари ҳолати бўйича архив маълумотлари, бевосита дала-тупроқ тадқиқотлари натижалари ҳамда масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ хоссаларини таҳлил қилишнинг асослари яратилиб, сунъий интеллект технологиялари асосидаги дастлабки интеллектуал моделлари ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар асосида «Тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берувчи дастур» - UzSoilAI дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди.

Дастур бўйича умумий маълумотлар

Дастур номи: Тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берувчи дастур (UzSoilAI)

Дастур – Сирдарё вилояти Мирзабод тумани тупроқларини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида моделлаштириш асосида электрон тарзда тез, сифатли таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва бошқариш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишда илмий асосланган тавсиялар бериш функцияларини бажаришга мўлжалланган.

Функционал имкониятлари: сунъий интеллект технологиялари асосида ишлаб чиқилган моделлар ёрдамида тупроқларнинг шўрланиш ва озика моддалар билан таъминланганлик ҳолатини аниқлаш, тупроқлар ҳолатига кўра шўр ювиш, органик ва минерал ўғитлар қўллаш бўйича агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, тупроқлар ҳолатига оид маълумотларни ойлик, 2 орақлиқ ва

йиллик кесимларда мониторинг қилиш бўйича йиғиш ва сақлаш, танлаб олинган хариталарни jpeg форматда экспорт қилиш, сунъий интеллект технологиялари асосидаги янги моделлар киритиш, базани резерв сақлаш ва резервдан қайта тиклаш.

Қўлланиш соҳаси: Тупроқ тадқиқот ишларини олиб бориш, тупроқ унумдорлик ҳолатини баҳолаш, маъмурий ҳудуд миқёсида тупроқлар унумдорлигини чекловчи омилларни аниқлаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган вазифаларни белгилаш ишларида фойдаланиши мумкин.

Ишлаш принципи: Масофадан зондлаш маълумотлари (Landsat 8) қабул қилади, спектрал индекслар ҳисобланади, аввалдан яратилган модел асосида тупроқ жорий ҳолатини баҳолайди, ҳолат асосида тавсиялар беради ва ҳолат маълумотларини мониторинг учун сақлайди.

Кириш маълумоти: Landsat 8 нинг 15 банди.

Оралик маълумот: Кириш маълумотлари асосидаги 24 та вегетация индекс маълумотлари ҳисоблаб чиқилади.

Чиқиш маълумотлари: Хариталар

- zoom in, zoom out функциялари
- jpeg шаклда сақлаш мумкин.

Керакли майдонни қидириш:

- Массив номи
- Контур рақами

Модел қуриш - Сунъий интеллект технологиялари асосида қуйидаги тупроқ хоссаларини топувчи модел ўқитилади:

- 1) Тупроқдаги гумус миқдори
- 2) Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори
- 3) Тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори
- 4) Тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдори

Ҳолатни баҳолаш - Сунъий интеллект технологиялари моделлари асосида қуйидаги тупроқ хоссалари

баҳоланади:

- 1) Тупроқдаги гумус миқдори
 - 2) Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори
 - 3) Тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори
 - 4) Тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдори
- Тавсиялар бериш** - ҳолатга оид маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилади:

- 1) Тупроқдаги гумус миқдорига кўра органик ўғитлар қўллаш.
- 2) Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра фосфорли ўғитлар қўллаш.
- 3) Тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори кўра калийли ўғитлар қўллаш.
- 4) Тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдорига кўра шўр ювиш.

Мониторинг – ҳолатга оид маълумотлар базага вақт оралиқлари бўйича йиғилади:

- 1) Ойлик
- 2) Мавсумий
- 3) Йиллик

Қўшимча модуллар:

Об-ҳаво ҳолати ва башорати модули.

Фойдаланувчилар

Администратор


- Қўлланиладиган сунъий интеллект моделларини ўзгартира олади;
- Модулларни олиб ташлайди ёки янгисини қўшади;
- Маълумотлар базасини янгилайди ва таҳрирлайди;
- Power user;
- Маълумотлар базасини янгилайди ва таҳрирлайди.

Умумий фойдаланувчилар

- маълумотларни кўради ва jpeg шаклда сақлаб олади

Дастур интерфейси

Қуйида лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган дастурий таъминот умумий интерфейс кўриниши келтирилган (1-расм).




1-расм. UzSoilAI дастурий таъминоти умумий кўриниши

Дастурий таъминот визуал жиҳатдан 3 та қисмдан иборат бўлиб, функционал вазифаларига чап ва ўнг панеллар ҳамда марказий (харита) ойналаридан иборат.

Дастурий таъминотнинг чап панелида тегишли массив ёки контурларни қидириш, тупроқ ҳолати ёки ҳолат бўйича тавсия кўрсаткичларини танлаш, мониторинг даражаси ва тегишли даврни танлаш ҳамда танлан-

ган ҳолат ёки тавсия кўрсаткичлари бўйича шартли белгилар ифодалаш функцияларини бажаради (2-расм).

Дастурий таъминотнинг ўнг панелида эса тегишли ҳудуд бўйича об-ҳаво башорати, жорий кун учун соатлик ҳаво ҳарорати маълумотлари ҳамда танланган ҳар бир контур учун тупроқ ҳолати ва унинг майдонидан келиб чиққан ҳолда тавсиялар берувчи қисмлардан иборат (3-расм).



2-расм. Дастурий таъминот чап панели (умумий ҳолат, тавсия ва мониторинг) кўриниши




3-расм. Дастурий таъминот ўнг панели (об-ҳаво башорати ва контур бўйича ҳолат ва тавсия) кўриниши

Дастурий таъминотнинг марказий ойнасида тегишли ҳудуд харита ойнаси жойлашган бўлиб, унда харита кўринишини катталаштириш (zoom in), кичиклаштириш (zoom out) ва контурларни курсор ёрдамида танлаш

имкониятлари мавжуд. Дастурий таъминотнинг инфо ойнасида эса дастурий таъминот бўйича умумий маълумотлар, муҳим эслатмалар ва фойдаланиш шартлари бўйича маълумотлар келтирилган (4-расм).

Дастурий таъминотнинг харита ойнаси



Дастурий таъминотнинг инфо ойнаси

UZSoilAI - O'zbekiston tuproqlari sun'iy intellekt asosidagi interaktiv tizimi

Sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanilgan holda tuproq resurslarini tekzor, aniq va samarali tahlil qilish, baholash va monitoring qilish bo'yicha dasturiy mahsulot

Qishloq xo'jaligi vazirligi Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti va Raqamli texnologiyalar vazirligi Raqamli texnologiyalar va sun'iy intellekt rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti hamkorligida ishlab chiqilgan.

Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti
Toshkent shahri, Qamarniso ko'chasi, 3-uy
Tel: 99871 246-75-00
Email: info@soil.uz

Raqamli texnologiyalar va sun'iy intellekt rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti
Toshkent shahri, Uzunmazor ko'chasi, 17A-uy
Tel: 99871 263-41-98
Email: info@airi.uz

Muhim eslatmalar

Ushbu dasturiy ta'minot O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 1 apreldagi PF-6198-sonli "Ilmiy va innovatsion faoliyatni rivojlantirish bo'yicha davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida" Farmonida belgilangan topshiriqlarni bajarish doirasida innovatsion rivojlanish agentligi tomonidan moliyalashtirilgan "Sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanilgan holda tuproq resurslarini tekzor, aniq va samarali tahlil qilish, baholash va monitoring qilish bo'yicha dasturiy mahsulot yaratish" amaliy loyihasi asosida ishlab chiqilgan.

UZSoilAI mavjud tuproq ma'lumotlarini sun'iy intellekt texnologiyalari asosida tahlil qilish va intellektual modellarni ishlab chiqish asosida tuproq holatini bashorat qilish hamda tegishli tavsiyalar berish maqsadida ishlab chiqilgan. Dasturning ushbu bosqichida ma'lumotlar faqat Sirdaryo viloyati Mirzaobod tumani misolida mavjud.

Dastur tavsiya qismida berilgan organik va mineral o'g'itlar me'yori hamda sho'r yuvish me'yori mavjud uslubiy ko'rsatmalar, qo'llanmalar va tavsiyalar asosida belgilangan. Fosfor va kaliy o'g'itlar me'yori g'ozaning o'rta 35 sentner va bog'loqning o'rta 70 sentner xosli uchun hisoblangan. Shuningdek, fosfor o'g'itlar ammos tarkibidagi va kaliy o'g'itlar kaliy xlorid tarkibidagi ulushlari g'isoblangan holda natur shaklidagi miqdorlari ko'rsatilgan.

Kontur bo'yicha tavsiyalarda organik va mineral o'g'itlar miqdorlari hamda sho'r yuvish me'yori ushbu komur egalagan maydon uchun umumiy hisoblangan, ya'ni bir gektar uchun belgilangan me'yori ushbu kontur maydoniga ko'paytirilgan.

Sun'iy intellekt asosidagi modellarni aniqlikka ega bo'lib, real holatdan farq qilishi mumkin.

Ma'lumotlar litsenziyasi va foydalanish shartlari

UZSoilAI ning ushbu versiyasi Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti tomonidan CC BY-NC-ND 4.0 litsenziyasi ostida mavjud. UZSoilAI veb-sayti va veb-dasturlaridan foydalanilgan holda foydalanuvchi ushbu litsenziyalarni va UZSoilAI ma'lumotlar siyosatini to'liq qabul qiladi.

Ma'lumotlar litsenziyasi va foydalanish shartlari

Saytdagi barcha materiallar, jumladan matn, tasvirlar, videolar, ovozi fayllar va boshqa obyektlar mualliflik huquqi va boshqa intellektual mulk qonunlari bilan himoyalangan.

Javobgarlikni rad etish

Muallif (xushtan egallari) saytdan foydalanish natijasida foydalanuvchi yoki uchinchi shaxsarga yetkazilgan zarar uchun javobgar emas. Muallif (xushtan egallari) materiallarning aniqligi, to'liqligi yoki yangiligiga kafolat bermaydi va undagi ita'lan xato va kamchiliklar uchun javobgar emas.

4-расм. Дастурий таъминот харита ва инфо ойналари кўриниши

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тупроқшуносликда рақамли ва сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бугунги кунда жуда долзарб масала бўлиб, бу йўналишда кенг ҳажмли илмий ва амалий ишлар олиб борилишини тақоза қилади. Ишлаб чиқилган тупроқ ресурсларини тезкор, аниқ ва самарали таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар берувчи дастур (UzSoilAI) дастурий таъминоти

ушбу вазифаларни бажаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тупроқларни сунъий интеллект технологиялари ёрдамида таҳлил қилиш истиқболли бўлиб, ишлаб чиқилган дастурий таъминот асосида тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини турли аниқликларда башорат қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлик ҳолатини тезкор аниқлаш ва шу асосда тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятларини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McBratney, A.B., Santos, M.M., Minasny, B., 2003. On digital soil mapping. *Geoderma* 117, 3, 52
2. Minasny, B., McBratney, A.B., Malone, B.P., Wheeler, I., 2013. Chapter one - digital mapping of soil carbon. In: Sparks, D.L. (Ed.), *Advances in Agronomy*. Academic Press, pp. 1, 47
3. Hengl, T., Heuvelink, G.B., Kempen, B., Leenaars, J.G., Walsh, M.G., Shepherd, K.D., Sila, A., MacMillan, R.A., de Jesus, J.M., Tamene, L., 2015. Mapping soil properties of Africa at 250 m resolution: random forests significantly improve current predictions. *PLoS One* 10, e0125814.
4. Malone, B.P., McBratney, A., Minasny, B., Laslett, G., 2009. Mapping continuous depth functions of soil carbon storage and available water capacity. *Geoderma* 154 (1–2), 138, 152.
5. Lacoste, M., Minasny, B., McBratney, A., Michot, D., Viaud, V., Walter, C., 2014. High resolution 3D mapping of soil organic carbon in a heterogeneous agricultural landscape. *Geoderma* 213, 296, 311.
6. Wälder, K., Wälder, O., Rinklebe, J., Menz, J., 2008. Estimation of soil properties with geostatistical methods in floodplains. *Arch. Agron. Soil Sci.* 54 (3), 275, 295.
7. Karunaratne, S., Bishop, T., Baldock, J., Odeh, I., 2014. Catchment scale mapping of measureable soil organic carbon fractions. *Geoderma* 219, 14, 23.
8. Taghizadeh-Mehrjardi, R., Minasny, B., Sarmadian, F., Malone, B., 2014. Digital mapping of soil salinity in Ardakan region, central Iran. *Geoderma* 213, 15, 28.
9. Pahlavan-Rad, M.R., Akbarimoghaddam, A., 2018. Spatial variability of soil texture fractions and pH in a flood plain (case study from eastern Iran). *Catena* 160, 275, 281.
10. Taghizadeh-Mehrjardi, R., Nabiollahi, K., Kerry, R., 2016. Digital mapping of soil organic carbon at multiple depths using different data mining techniques in Baneh region, Iran. *Geoderma* 266, 98, 110.
11. Forkuor, G., Hounkpatin, O.K., Welp, G., Thiel, M., 2017. High resolution mapping of soil properties using remote sensing variables in South-Western Burkina Faso: a comparison of machine learning and multiple linear regression models. *PLoS One* 12, e 0170478.

У.Д.К. 631.61(626.87)

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ-БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГИПСЛАШГАНЛИК ҲОЛАТИ

Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич,

б.ф.д., профессор, e-mail: nodirjon_1976@mail.ru

Собитов Ўлмасбой Тожахмедович,

б.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим, бўлим мудири,

e-mail: ulmasbek.sobitov@gmail.com

Курдашев Кудрат Давлятович,

таянч докторант

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада тадқиқот олиб борилган суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларининг турли даражада гипслашганлик ҳолати, гипсни жойлашган чуқурлиги ва гипсли қатлам қалинлиги, гипс микдорининг аниқлаш классификацияси карбонатлашганлик даражаси ва ишқорийлиги ҳамда гипсли тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича янги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар, сувли сўрим, сизот сувлари, гипс, карбонат, ишқорийлик, туз ва гипс кристаллари, зичлик.

Аннотация. В статье излагается новые данные о различных содержаниях гипса в орошаемых лугово-серозёмных почв, глубине залегания и мощность гипсового слоя, степени карбонатности и щелочности, а также о способах поддержания и увеличения эффективного использования продуктивности гипсовых почв.

Ключевые слова: орошаемые лугово-серозёмные почвы, водопоглощение, грунтовые воды, гипс, карбонат, щелочность, кристаллы солей, плотность.

Annotation. The article presents new information on the condition of irrigated meadow-serozem soils with different degrees of gypsum, the depth of gypsum and the thickness of the gypsum layer, the level of carbonation and alkalinity, as well as ways to maintain, increase and effectively use the productivity of gypsum soils.

Key words: Irrigated meadow-serozem soil, water absorption, ground water, gypsum, carbonate, alkalinity, salt crystals, density.

Кириш. Гипс қуруқ чўл, яримчўл ва чўл тупроқларида, ҳамда шўрланган тупроқларда кенг тарқалган. Ҳозирги кунда республикаимиз суғориладиган ерларининг қарийб 383,2 минг гектари турли даражада гипслашган тупроқларни ташкил этиб, бу жами суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 10,3 фоизига тўғри келади. Шундан Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич жами қишлоқ хўжалик суғориладиган майдонларининг 28,6 % ини ташкил этади. Гипслашган тупроқлар асосан республикаимизнинг Фарғона водийси, Мирзачўл, Жиззах чўли, Маликчўл,

Шерабод чўллари ва Устюрт платосида кенг тарқалган бўлиб, саҳро зонасининг тоғ этаги текисликлари ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида кўпроқ учрайди ва келажакда ўзлаштирилиши мумкин бўлган (гипслашган, тошлоқли, мелиоратив ҳолати ёмон) ерлар ҳисобланади [1]. Гипснинг ҳосил бўлиши ва тўпланишида кучли минераллашган сизот сувларининг роли каттадир.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотлар Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Й.Охунбобоев номли массивда олиб берилган бўлиб, ҳудуд тупроқлари «Берк пастқамликлар чўкмаси ва қадимги

дарёларни конус ёйилмаларига тутушган марказий Мирзачўл текслиги»да жойлашган. Массивда ўтлоқи-бўз тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, тупроқ пайдо қилувчи она жинслари лёсс ва лёссимон қумоқлардан иборатдир [2].

Тадқиқотлар услублари: Дала ва лаборатория тадқиқот ишлари ТАИТИ ва ЎзПТИ инситутларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди. Тадқиқотлар жараёнида генетик-географик, литологик-геоморфологик, солиштира кимёвий - аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилди. Лаборатория шароитида гипсни (SO_4)–0,2 нормали хлорид кислота (HCl) эритмаси ёрдамида сиқиб чиқариш усулида; карбонатлар (CO_2) ва уларнинг таркиби ацидиметрик усулида, дала, камерал ва картографик ишлар йўриқнома [3] асосида, бажарилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Гипсли ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) тупроқлар ўзининг асосий морфологик белгилари сув-физикавий ва физик кимёвий хоссалари ва мелиоратив

ҳолати билан бошқа тупроқлардан кескин фарқланади. Гипсли тупроқларни ўзлаштириш узоқ вақт ва катта харажат талаб этадиган жараён ҳисобланиб, бундай тупроқларда ҳосилдорликнинг паст самарадорлиги сабаблари, бу сув – физик хоссаларининг ёмонлиги, баъзан кучли шўрланганлиги, тупроқ юза қисмининг деформацияланиши, суффозион (ўпқон) ҳодисаларининг мавжудлиги, озиқа элементларининг камлиги билан ҳисобланади [4].

Тупроқ таркибида гипснинг миқдори 10 % дан кам бўлса, гипслашмаган тупроқлар деб аталади ва бу ўсимликни нормал ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча моддалар алмашинувида фаол (актив) иштирок этиши аниқланган. Тупроқ қатламларида йиғилиб тўпланган гипс миқдори 10 % дан ортиқ бўлса, гипслашган тупроқлар деб аталади ва бундай тупроқларни гипслашганлик даражасини аниқлаш Н.Г. Минашина (1978) таклиф этган классификацияси асосида амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал. Тупроқларни гипслашганлик даражасини аниқлаш классификацияси

Т/р	Гипслашганлик даражаси	Гипс миқдори, % ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$)
1	Гипслашмаган	≤ 10
2	Кучсиз гипслашган	10-20
3	Ўртача гипслашган	20-40
4	Кучли гипслашган	≥ 40

Ўрганилган ҳудуд тупроқларидаги гипсли қатлам асосан 70-100 см чуқурликда жойлашганлиги сабабли, чуқур гипслашган тупроқлар ҳисобланиб, баъзи кесмаларда юза ва чуқурроқ жойлашганлиги ҳам кузатилади. Тупроқ профили бўйлаб вужудга келган гипсли қатламнинг жойлашиш чуқурлигига

қараб тупроқ айирмаларига ажратилади ва бу хар-хил манбаларда турлича талқин қилинади. Жумладан, республикамиз тупроқ хариталарини тузишда ва баҳолаш ишларини амалга оширишда, гипсли тупроқларни қатлам чуқурлиги қуйдагича талқин қилинади (2-жадвал).

2-жавал. Гипснинг юқори чегарасидан бошлаб унинг жойлашган чуқурлигига кўра

Т/р	Гипслашганлик даражаси	Гипсли қатлам чуқурлиги, см
1	Устки гипслашган	< 30
2	Юза гипслашган	31-50
3	Чуқурроқ гипслашган	51-70
4	Чуқур гипслашган	71-100
5	Жуда чуқур гипслашган	> 100

Гипсли тупроқларни тавсифлашда унинг карбонатлашганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади ва унинг миқдорини ҳам аниқлаш зарур бўлади. Карбонатнинг тупроқ таркибида меъёридан ортиқ тўпланиши ишқорий муҳитни вужудга келишига сабаб бўлади. Бу ўсимликларни илдиз тизими ва

озикланишига салбий таъсирини кўрсатади. Карбонатларни аниқлаш дала ҳамда лаборатория шароитида амалга оширилади. Бунда дала шароитида аниқлаш учун 10 % ли хлорид кислота (HCL)ни тупроқ горизонтларига томизиб, энг юқори қайнаш чегарасини топиш орқали аниқланади (3-жадвал).

3-жадвал. Тупроқ горизонтида карбонатларни (CO₂) қайнаш чегараси

Т/р	Карбонатларни горизонтларда жойлашган ўрни	Карбонатни қайнаш чегараси, см
1	Юза карбонатлашган	0-20
2	Юқори профилли карбонатлашган	20-40
3	Ўртача профилли карбонатлашган	40-100
4	Чуқур карбонатлашган	100-200

Тупроқ таркибидаги карбонатлар (CO₂) миқдори бўйича маълумотларнинг кўрсатишича, гипслашган ўтлоқ-бўз тупроқларда карбонатларнинг тарқалиши ва миқдорий кўрсаткичларида тупроқнинг турли даврларда ўзига хос ривожланиши (эволюцияси) билан боғлиқ қонуниятлар кузатилмайд.

Тупроқларни карбонатлашганлик (CO₂) даражасига кўра 2 % дан ортиқ бўлса, бундай тупроқлар карбонатлашган тупроқлар ҳисобланади ва карбонатлашганлик даражасини аниқлашда қуйдаги гуруҳлаш маълумотларидан фойдаланиш тавсия этилади (4-жадвал).

4-жадвал. Тупроқларни карбонатлашганлик (CO₂) даражаси бўйича гуруҳланиши

Т/Р	Тупроқларни карбонатлашганлик даражаси	Карбонатларнинг миқдори, %
1	Карбонатлашмаган	≤2
2	Кучсиз карбонатлашган	2-15
3	Ўртача карбонатлашган	15-25
4	Кучли карбонатлашган	25-50
5	Жуда кучли карбонатлашган	≥50

Тадқиқот олиб борилган ҳудуддан олинган тупроқ намуналарининг лаборатория таҳлил натижаларига кўра, гипслашмаган (108, 166-кесмалар) тупроқлар ҳайдов қатламидаги гипс (CaSO₄*2H₂O) миқдори 2,68-6,08 %ни, ҳайдов ости қатламида 7,19-8,53 %ни ташкил этиб, карбонатлар (CO₂) миқдори ҳайдов қатламида 4,05-5,10 %, ҳайдов ости қатламида 4,93 %ни, ишқорилиги (рН) даражаси 7,58-7,64 кўрсаткичларида кузатилиб, қатламнинг ўрта ва қуйи қисми томон ортиб бориши кузатилди.

Кучсиз гипслашган (4,336-кесмалар) тупроқларда гипс миқдори тупроқ қатламларининг ҳайдов қатламида 11,44-15,02 %, профилнинг ўрта қисмида 16,49-

17,25 % гача ортиб боради. Карбонатлар миқдори эса тупроқ профили бўйлаб 3,13-5,63 % ни, ишқорийлик даражаси 7,58-7,71 кўрсаткичларида қайд қилиниб кучсиз ишқорий.

Ўртача гипслашган (16, 33-кесмалар) тупроқ кесмаларида гипснинг энг юқори миқдори кузатилди ва ҳайдов қатламида 12,27-13,68 % бўлса, профилнинг ўрта қисмида 28,34-29,03 % гача ортиб борганлиги, карбонатлар миқдори ҳайдов қатламида 5,31-5,42 %, ҳайдов ости қатламида 4,50 %, ишқорийлик даражаси ўрганилган тупроқлар таркибида бир ҳил яъни, кучсиз ишқорий (7,66) муҳитда эканлиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал. Суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларидаги гипс ва карбонатлар миқдори, % ҳисобида

Кесма рақами	Чуқурлик, см	CO ₂ карбонатлар	SO ₄ (гипс)	CaSO ₄ *2H ₂ O	Ишқорийлик (pH)
Гипслашмаган					
108	0-25	4,05	3,40	6,08	7,58
	25-49	4,93	4,02	7,19	7,61
	49-88	4,96	2,76	4,94	7,65
	88-117	5,24	2,32	4,16	7,62
	117-166	6,09	2,86	5,12	7,67
166	0-26	5,1	1,50	2,68	7,64
	26-48	4,93	4,77	8,53	7,61
	48-85	5,97	5,14	9,20	7,66
	85-108	5,67	3,61	6,45	7,59
	108-159	5,98	2,23	4,00	7,64
Кучсиз гипслашган					
4	0-27	4,75	6,39	11,44	7,59
	27-49	4,82	6,29	11,26	7,62
	49-88	3,62	9,63	17,25	7,64
	88-112	3,13	7,68	13,74	7,66
	112-154	5,17	2,73	4,87	7,71
336	0-27	4,5	8,39	15,02	7,61
	27-49	5,14	9,22	16,49	7,60
	49-87	4,75	4,85	8,68	7,58
	87-112	5,45	3,24	5,79	7,60
	112-167	5,63	1,82	3,25	7,62
Ўртача гипслашган					
16	0-29	5,31	6,85	12,27	7,66
	29-46	4,50	6,64	11,88	7,61
	49-86	4,51	15,83	28,34	7,70
	86-120	6,41	13,67	24,47	7,69
	120-160	3,24	4,25	7,61	7,68
33	0-22	5,42	7,65	13,68	7,65
	22-35	4,89	8,99	16,08	7,69
	35-58	4,50	16,22	29,03	7,71
	58-96	5,74	11,09	19,85	7,64
	96-133	5,77	5,87	10,51	7,67
	133-170	5,53	1,81	3,24	7,66

Ўсимликлар илдиз тизмининг эркин ўсиб ривожланиши ва озикаланиш ярусига тупроқларнинг гипслашганлик даражаси ўзига ҳос қаршилиқ кўрсатиши билан бирга, турли хил салбий жараёнларни ҳам келтириб чиқаради. Худуд тупроқ кесмаларида гипсли қатлам қалинлиги 40-60 см оралиғида бўлганлиги сабабли, гипсли қатлам қалинлик градацияси номланишига кўра ўртача (40-100 см) қалинликда гипслашган тупроқлар гуруҳига ман-

суб бўлиб, тузилиши шаклига кўра ўлчами 0,1 мм. дан кичик бўлган “гажали” (майда унсимон) кристаллардан иборат бўлган гипс заррачалари профилнинг юқори қисмида учраса, қуйи қисмида майда донадор (0,1-1,0 мм) ва ўрта донадор (1,0-10,0 мм) гипс кристаллари сочилма ва қотишма ҳолида учрайди. Тупроқ қатламларида гипснинг жойлашиш шаклига кўра, ҳайдов қатламида гипс куруқ ҳолатда зич, лекин сувга тўйинганда донадор

массаларга бўлинади. Ташқи кучлар таъсирида яъни механик бузилганда (хайдалганда) енгил бўлакларга бўлиниб кетиши кузатилади [5,6]. Тупроқ профилининг куйи қатламларида таёқчасимон призматик ўртача ва йирик кристалли гипс бир-бирига чирмашган кўринишдаги кристаллар ўрин олган бўлиб, йирик бўшлиқлар орасида тупроқ намланганда ҳам ўз тузилишини сақлаб қолади. Карбонатлар тупроқ профилида деярли бир хил кўрсаткичда тақсимланганлигини кузатишимиз мумкин. Унинг миқдори айрим кес-маларда тупроқ механик таркибига боғлиқ ҳолда, тупроқ юзасидан ювилиб тушиши натижасида ва сизот сувларига туташган глейли қатламларда нисбатан кўпроқ тўпланганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Тадқиқот ҳудуди суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларида гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) миқдори лаборатория таҳлил натижаларига кўра, кучсиз гипслашган тупроқларда энг юқори миқдори 16,49-17,25 % ни, ўртача гипслашган тупроқларда 28,34-29,03

% ни ташкил этиши аниқланди. Ҳудудда карбонатлар деярли бир хил кўрсаткичда (кучсиз карбонатлашган) тақсимланган бўлиб, унинг миқдори тупроқ профили бўйлаб 3,13-6,41 % оралида тебраниб туради. Тупроқнинг ишқорийлиги қатламларда йиғилиб тўпланган туз миқдорига кўра ўзгариб боради ва кучсиз ишқорий муҳитга эга эканлиги аниқланиб, ушбу ҳудуднинг гипсли тупроқларида кечиктириб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ишларини бараварига (комплекс) амалга ошириш зарур бўлади. Шулардан, кузги шудгорлаш ишларини чуқурлиги 45 см. дан кам бўлмаган ҳолатда ҳайдаш, суғориш ва яқоб сувларини ўз вақтида ва меъёрида қўллаш, очиқ ва ёпиқ зовурларни ишчи ҳолатини тўлиқ таъминлаш, сизот сувлари сатҳини критик чуқурликда ушлаб туриш, шўрга ва қурғоқчиликга чидамли бўлган уруғ навларини танлаб экиш ва уларни ўғитлашда органик ўғитлардан кенг фойдаланиш орқали тупроқлар унумдорлигини ошириш ҳамда экинлардан юқори ҳосил олиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абурахмонов Н.Ю., Собитов Ў.Т., Курдашев К.Д. «Кучсиз гипслашган суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларнинг хоссалари ва унумдорлиги» мавзусидаги: Тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 8-июнь 2021. –Б. –10-14.
2. «Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи» муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 2010.
3. «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. –Тошкент, 2013.
4. Маҳкамova Д.Ю. Жиззах чўли гипсли тупроқлари ва уларнинг биологик фаоллиги б.ф.н. ...дисс. – Тошкент, ЎЗМУ. 2018.
5. Минашина Н.Г., Шишов Л.Л. Гипсоносные почвы: распространение, генезис классификация. –Ж.: Почвоведение. 2002.
6. Н.Ю. Абурахмонов., Ў.Т. Собитов. К.Д. Курдашев. «Суғориладиган гипсли бўз-ўтлоқи тупроқлардаги гумус ва озиқа элементлари миқдори» Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномаси илмий журнали. 2022. – 3-сон. – 916.

MAPPING OF SOIL PROPERTIES USING GIS TECHNOLOGIES AND REMOTE SENSING MATERIALS

Bakhodirov Zafar Abduvalievich,

head of the department, PhD, senior researcher

Normotov Yodgor Mamanazorovich,

3rd stage doctorate

Karshiboev Husan Shamsiddin o'g'li,

2nd stage doctorate

Mamatkulov Asliddin Rustambek o'g'li,

2nd stage doctorate

Gulimov Quvondiq Hamzaevich,

1st stage doctorate

Berdimuratov Zahiriddin Komiljon o'g'li,

master student

Tuklibayev Sanjar Abdupulat o'g'li,

cartographer

Institute of Soil Science and Agrochemical Research

Аннотация: Ушбу мақолада географик ахборот тизими технологияларидан ва масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Юнусов» массиви суғориладиган тупроқларини хариталашга оид маълумотлар келтирилган. Географик ахборот тизими технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида ишлаб чиқилган рақамли хариталар тавсифланган.

Калит сўзлар: географик ахборот тизими, масофадан зондлаш, тупроқ хариталари, NDVI, MSAVI, NDSI, рақамли хариталар.

Аннотация: В статье представлены сведения по картированию орошаемых почв массива «Юнусов» Мирзаабадского района Сырдарьинской области с использованием технологий геоинформационных систем и данных дистанционного зондирования Земли. Описаны цифровые карты, разработанные на основе технологий геоинформационных систем и данных дистанционного зондирования Земли.

Ключевые слова: геоинформационная система, дистанционное зондирование, почвенные карты, NDVI, MSAVI, NDSI, цифровые карты.

Annotation: The article presents information on mapping the irrigated soils of the Yunus massif in the Mirzaabad district of the Syrdarya region using geographic information systems technologies and Earth remote sensing data. Digital maps developed on the basis of geographic information systems technologies and Earth remote sensing data are described.

Key words: geographic information system, remote sensing, soil maps, NDVI, MSAVI, NDSI, digital maps.

Introduction. With a projected population of 9.7 billion by 2050 ensuring adequate food access for all requires a significant shift in agricultural practices [1]. Climate change disrupts weather patterns and threatens crop yields, while land degradation and water scarcity shrink the available arable land and resources.

Traditional methods often rely on intensive farming, leading to soil erosion, nutrient depletion, and environmental pollution. 820 million people globally experienced hunger in 2018. This highlights the need for innovative solutions to address the complex interplay of environmental pressures, resource limitations, and

population growth [2].

However, simply identifying suitable land is just the first step. Sustainable land use planning also requires taking into account existing infrastructure, land ownership patterns, and potential environmental impacts. This is where GIS truly shines. By overlaying maps of potential agricultural land with transportation networks, property boundaries, and environmental data, we can identify optimal locations for farms that minimize transportation costs, land fragmentation, and ecological disruption.

Geographic Information Systems (GIS) emerge as a powerful tool for tackling the challenges facing agriculture and ensuring food security. GIS offers a suite of capabilities for mapping, analyzing, and managing spatial data, providing valuable insights for optimizing land use, monitoring soil health, and adapting to changing environmental conditions.

Feeding a growing global population amidst environmental challenges like land degradation and climate change is a pressing concern. While modern agriculture utilizes mechanization, its productivity lags behind other sectors. To unlock new levels of production, precise understanding of spatial resources is key. This is where Geographic Information Systems (GIS) take center stage.

GIS emerges as a powerful tool for managing these vast resources, particularly focusing on the primary asset: soil. Soil productivity, crucial for agricultural output, demands detailed mapping and analysis. By harnessing geospatial data and advanced modeling, GIS offers the ability to pinpoint spatial variations in soil fertility, laying the foundation for targeted interventions and optimized agricultural practices.

The seeds of GIS-based soil mapping were sown in the 1970s and 80s with early attempts to understand spatial patterns and develop aerial survey methodologies. Building on these, the discipline of pedometrics emerged, dedicated to

applying mathematical and statistical techniques to soil distribution and formation. From the 1990s onwards, the need for model-based soil surveys and the potential of geostatistical techniques gained momentum [3-6].

This confluence of advancements paved the way for Digital Soil Mapping (DSM), a revolution in soil cartography. By leveraging computer models and field data, DSM creates a spatial information system for soils and their properties, revolutionizing our understanding of this vital resource [7-9].

The ever-growing global population demands a shift towards sustainable and efficient agricultural practices. Geographic Information Systems (GIS) emerge as a powerful tool in this arena, enabling precise assessment and mapping of soil properties – the very foundation of crop productivity. By integrating geospatial data, advanced modeling techniques, and field measurements, GIS unlocks a wealth of insights, revolutionizing the way we understand and manage soil resources.

Precise maps generated through GIS reveal spatial variations in soil fertility, pH, salinity, and organic matter content. This facilitates targeted fertilizer and water application, minimizing waste and maximizing yield potential. Remote sensing data captured by satellites further enhances the process, providing real-time monitoring of soil moisture and crop health, allowing for dynamic adjustments in irrigation and pest control strategies. These advancements ensure optimal resource utilization, minimize environmental impact, and ultimately lead to increased agricultural productivity, contributing to food security for a growing population [10, 11].

Material and methods

This study was conducted in the Mirzaobod district of the Syrdarya region, Uzbekistan. Methods as comparative-geochemical, comparative-geographical, laboratory-analytical, data accumulation, spatial analysis and modeling on the base

of geoinformational systems make up the fundamentals of the research methods.

и большее количество коробочек. Все это позволило получить прибавку урожая хлопка–сырца от 2,7 до 11,5 ц/га против контрольного варианта, где вносили высокие нормы минеральных удобрений. В сравнении с фоновым вариантом, прибавка составила порядка – 7,8 – 16,7 ц/га.

Выявлено, что с урожаем хлопчатника на контрольных вариантах выносятся 35,4-60,4кг/га азота. При внесении органических и органоминеральных удобрений (вар.3-6) выносятся больше азота, который составляет 69,4-112,7 кг/га. Вынос фосфора с урожаем хлопчатника составляет на контрольных вариантах 38,7-42,6 кг/га. Самый меньший вынос фосфора отмечен на варианте с биогумусом-31,9 кг/га, самый высокий-93,7 кг/га на варианте, где внесено 2,5 т/га ВМГ. По сравнению с азотом и фосфором, вынос калия выше: на контрольных вариантах и составил 77,1-86,2 кг/га, при внесении органических и органоминеральных удобрений (вар.3-6)-120,0-145,3 кг/га.

Таким образом, установлено, что для повышения содержания элементов питания-азота, фосфора, калия в изученных почвах, улучшения их плодородия, повышения урожайности возделываемых сельскохозяйственных культур и рационального использования минеральных удобрений за счёт снижения их норм, необходимо внесение органических и органоминеральных удобрений под зябь в количестве 1,5-2,5 т/га.

Список использованной литературы:

1. Сушеница Б.А. Обеспечение растений фосфорным питанием за счет мобилизации почвенных фосфатов. Обзорная информация. – Душанбе, 1983, 36 с.
2. Ташкузиев М.М. Химическое состояние типичных сероземов и почв низовьев Амударьи, изменение его на фоне удобрений, орошения и опустынивания. Автореф. докт. дисс. –Ташкент, 1996, – С. –24-28.
3. Прянишников Д.Н. Избранные сочинения. Т.III. – М.: Сельхозгиз, 1953, с.86.
4. Клечковский В.М., Петербургский А.В. Агрохимия. –М.: Колос, 1964, –С. – 77-79.
5. Дояренко А.Г. О корневых выделениях. – Избранные сочинения. – М.: Сельхозиздат, 1963, – С. –370-377.
6. Ташкузиев М.М., Эшбекова Ф.Х., Шербекоев А., Система агротехнологий направленная на повышение плодородия почвы и продуктивности растений. Материалы международной научно – практической конференции «Проблемы современной экологии и

биосоциальные вопросы регионального развития» – Шымкент, 2010, – С. –199-203.

7. Ташкузиев М.М., Бердиев Т.Т. Применение системы агротехнологий, направленных на повышение плодородия почвы в условиях пустынной зоны Узбекистана. «Аграрная наука – сельскому хозяйству». VII-Международная научно-практическая конференция. Сборник статей. – Барнул, 2012, – С. – 218-220.

8. М.М Ташкузиев, А.А. Каримбердиева, Т.Т. Бердиев, С.К.Очилов. Влияние новых форм органических и бактериально обработанных удобрений на рост, развитие и урожайность хлопчатника. Ж. Агрохим защита и карантин растений, № 2, 2017, – С. – 40-42.

УЎТ 631.4 631.6

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚОРАҚЎЛ ТУМАНИ Й.ОХУНБОБОВ МАССИВИДА ТАРҚАЛГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЧЎЛ ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Бурханова Нигора Хамид қизи,

2-босқич таянч докторанти,

nigoraburxanova8992@gmail.com

Ахмедов Алмон Усмонович,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим, almon@mail.ru

Турдалиев Жамолбек Мўминалиевич,

бўлими мудири, б.ф.ф.д., катта илмий ходим,

jamolbek1986@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Ушбу келтирилган мақолада Бухоро вилоятининг Қорақўл тумани Й.Охунбобоев номи массивда тарқалган суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги гумус ва озик элементларининг ялпи ва ҳаракатчан миқдорлари ва айрим захира кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган, чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, гумус, ҳаракатчан, ялпи азот, фосфор, калий миқдорлари, ҳайдалма қатлам, агрокимёвий кўрсаткичлар, унумдорлик.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о содержании гумуса, валовых и подвижных форм азота, фосфора и калия, некоторые показатели их запасов в орошаемых пустынных лугово-аллювиальных почвах массива им. Й. Ахунбобоева Каракульского района Бухарской области.

Ключевые слова: Орошаемые, пустынные лугово-аллювиальные почвы, гумус, подвижные, валовые форма азота, фосфора и калия, пахотный горизонт (слой), агрохимические свойства, плодородие.

Annotation. This article provides information on the content of humus, total and susceptible nitrogen, phosphorus and potassium and some of their reserves in irrigated desert meadow-alluvial soils of the massif named after. Y. Akhunbobayeva, Karakul district, Bukhara region.

Key words: Irrigated desert meadow-alluvial soils, humus, content of total and subsurface nitrogen, phosphorus and potassium contents, arable horizon (layer), agrochemical properties, fertility.

Кириш. Тупроқдаги органик модда миқдори ва гумус ҳосил бўлиш шароитлари кўпгина омилларга, жумладан тупроқнинг механик таркиби, суғориш даври, деҳқончилик маданияти, шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда, тупроқнинг бир қатор хоссаларини бошқариб турувчи, айниқса унумдорлиги ва маҳсулдорлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Тупроқдаги органик моддалар ундаги тирик организмлар фаолияти натижасида мураккаб гумус ҳосил бўлиш – “гумификация” жараёнига учраб тупроқлар таркибидаги озиқа элементлари захирасини шакллантиради.

Ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланиши ҳамда улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш, кўп жиҳатдан тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига, шу жумладан гумус ва бошқа озиқа элементларининг миқдори ва уларнинг тупроқдаги захираларига боғлиқ. Гумус нафақат ўсимликлар озиқланиши учун асосий манба, балки гумус мураккаб ўзига хос тузилишга эга бўлган, юқори молекулали азотли органик бирикма ҳисобланиб, тупроқ хоссаларини бошқариб турувчи “регулятор” вазифасини ҳам бажаради, тупроқ структурасини ҳосил бўлишида муҳим рол ўйнайди. Тупроқдаги азот, фосфор ва калий экинлардан юқори

ҳосил олишда асосий озиқа элементлари ҳисобланади.

Тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичлари, маданийлашганлик даражаси, унумдорлиги, ўзига хос зоналик хусусиятлари ва бошқа омиллар, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишдаги бош мезонлар ҳисобланади. Ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланиши ҳамда улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш, кўп жиҳатдан тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига, шу жумладан гумус ва бошқа озиқа элементларининг миқдори ва уларнинг тупроқдаги захираларига боғлиқ.

Тупроқ таркибидаги органик моддалар қандай миқдор ва сифатда бўлмасин, улар ўсимликлар учун карбонат ангидриди, озиқа элементлари энергия манбаи ролини ўйнайди. Гумус суғорма деҳқончилик турғунлигини оширади, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг шаклланишида бир қатор вазифаларни бажаради.

Тадқиқот натижалари. Қорақўл тумани, Й.Охунбобоев номли массив калит майдонларидан олинган тупроқ намуналарида гумус, ҳаракатчан азот, фосфор ва калий билан таъминланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланилди:

1-жадвал.

Тупроқларни устки ҳайдалма (0-30 см) қатламидаги ҳаракатчан азот, фосфор, калий ва гумус миқдорлари билан таъминланганлик даражасини гуруҳлаш классификацияси, мг/кг

Т/р.	Тупроқларнинг таъминланганлиги	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	Гумус, %
1.	Жуда кам	<20	<15	<100	<0,5
2.	Кам	20-30	15-30	100-200	0,5-1,0
3	Ўртача	30-50	30-45	200-300	1,0-1,5
4.	Юқори	50-60	45-60	300-400	1,5-2,0
5.	Жуда юқори	>60	>60	>400	>2,0

Массив чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг устки ҳайдалма (0-30 см) қатламидаги гумус миқдори 0,880-1,220% ни ташкил этади, амалдаги классификацияга кўра (1-жадвал) гумус билан кам (0,5-1,0%) ва ўртача (1,0-1,5%) таъминланган тупроқлар гуруҳига мансуб. Гумус-

ни тупроқнинг 0-1 метрлик қатламидаги ўртача миқдорлари эса 0,805-0,860% оралиғида тебраниб туради, унинг устки 0-100 см. лик қатламдаги захираси гектарига 114,1-122,12 тонна оралиғида тебраниб, массив бўйича ўртача 116,84 тоннани ташкил қилади (1-расм).

Ҳайдалма қатламдаги ҳаракатчан азот миқдори 13,25-19,50 мг/кг ни, фосфор 35,0-62,3 мг/кг ни ва алмашинувчи калий миқдори эса 120,0-182,4 мг/кг ни ташкил этади, ҳаракатчан азот миқдорига кўра жуда кам (<20 мг/кг); фосфор билан ўртача (30-45 мг/кг), юқори (45-60 мг/кг) ва жуда юқори (>60 мг/кг), алмашинувчи

калий билан эса кам (100-200 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳига киради. Тупроқнинг устки 0-1 метрлик қатламидаги ҳаракатчан азот миқдори биринчи кесмада 6,25-19,50 мг/кг, ўртача 15,5 мг/кг ни, иккинчи кесмада 7,75-13,25, ўртача 11,56 мг/кг ни, учинчи кесмада 8,5-19,25, ўртача 13,95 мг/кг ни ташкил этади (2-расм).


2-жадвал.

Бухоро вилояти Қорақўл тумани Й.Охунбобоев номли массив тупроқларидаги гумус ва озика элементлари миқдори.


Кесма рақами	Чуқурлик, см	Гумус, %	Озика моддалари.					
			Ялли, %			Ҳаракатчан, мг/кг		
			N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	0-30	1,000	0,078	0,42	0,660	19,50	35,0	139,2
	30-56	0,780	0,064	0,41	0,630	17,50	31,0	112,8
	56-80	0,760	0,034	0,34	0,570	15,75	29,0	112,8
	80-132	0,720	0,024	0,24	0,564	9,25	27,0	100,8
	132-185	0,400	0,017	0,18	0,504	6,25	24,0	96,0
	0-100	0,815	0,050	0,353	0,606	15,5	30,5	116,4
2	0-30	0,880	0,035	0,52	0,630	13,25	37,5	182,4
	30-48	0,860	0,023	0,41	0,558	11,25	33,0	115,2
	48-80	0,800	0,023	0,37	0,540	11,25	31,0	105,6
	80-115	0,680	0,024	0,25	0,516	10,50	28,0	100,8
	115-178	0,640	0,014	0,17	0,492	7,75	24,0	88,8
	0-100	0,805	0,026	0,39	0,56	11,56	32,37	126,0
3	0-30	1,120	0,023	0,46	0,546	19,25	62,3	120,0
	30-70	0,840	0,024	0,37	0,516	14,25	38,0	120,0
	70-90	0,760	0,012	0,31	0,504	13,00	33,0	105,6
	90-120	0,720	0,014	0,27	0,504	9,25	29,0	100,8
	120-170	0,600	0,010	0,16	0,462	8,50	21,0	98,4
	0-100	0,860	0,018	0,35	0,517	13,93	40,58	111,6

Ҳаракатчан фосфор миқдори 1-кесмада 24,0-35,0, ўртача 30,5 мг/кг ни, иккинчи кесмада 24,0-37,5, ўртача 32,37 мг/кг ни, учунчи кесмада 21,0-62,3, ўртача 40,58 мг/кг ни ташкил этади (3-расм).


Алмашинувчи калий 1-кесмада 96-139, ўртача 116,4, иккинчи кесмада 88-182, ўртача 126 мг/экв ва учунчи кесмада 98-120, ўртача 111 мг/кг оралиғида тебраниб туради (4-расм).




1-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг устки 0-1 метрлик қатламидаги гумус захиралари, т/га.



2-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ҳаракатчан азот миқдори, мг/кг.



3-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ҳаракатчан фосфор миқдори, мг/кг.



4-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги алмашинувчи калий миқдори, мг/кг.

Ўрганилган майдонларда шаклланган тупроқларнинг гумус ва озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси ёки миқдорлари, уларнинг генетик қатламларидаги захираларини белгилайди. Бу эса йиллик минерал ўғитлар меъёрларини аниқлаш ва шу асосда ўғит меъёрларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ерлардан унумли ва самарали фойдаланишда, тумандаги мавжуд суғориладиган экин майдонларида мунтазам инвентаризация ишлари ўтказилиб турилиши (кўриқдан ўтказиб турилиши), бунда биринчи навбатда соғломлаштиришга муҳтож ерлар аниқланиб, бундай майдонларда тупроқни мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва юқори маҳсулдорлигини таъминловчи агромилиоратив тадбирларни ўтказиш, мелиорацияланган майдонларда эса даврий кузатишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

1. Ўсимликларнинг озиқа элементлари билан таъминланиш даражасини

баҳолаш учун, унинг тупроқдаги ҳаракатчан шакллари билиш зарур. Тупроқдаги озиқа элементларининг ҳаракатчан шаклдаги миқдори жуда ўзгарувчан бўлиб, тупроқнинг генетик хусусиятларига, тупроқларнинг маданийлашганлик ҳолатига ва бошқа шароитларга боғлиқ.

2. Ўрганилган майдонда тарқалган тупроқлар гумус билан кам (0,5-1,0%) ва ўртача (1,0-1,5%) таъминланган, ҳаракатчан азот миқдорига кўра жуда кам (<20 мг/кг); фосфор билан ўртача (30-45 мг/кг), юқори (45-60 мг/кг) ва жуда юқори (>60 мг/кг), алмашинувчи калий билан эса кам (100-200 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

3. Тупроқлар ҳолатини назорат қилиб турилиши, керакли агротехник, агромилиоратив тадбирларни ўтказилиб турилиши, мақбул меъёрларда органик ва минерал ўғитлар қўлланиши тупроқлар структурасини, суфизикавий хоссалари ва мелиоратив ҳолатини яхшилади, унумдорлик ва маҳсулдорлигини сақлаш ва ошириб бориш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Артикова Х.Т. Бухоро вилояти тупроқларининг эволюцияси, экологик ҳолати ва унумдорлиги. Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Ташкент, 2019.
2. Ғофуров Қ., Абдуллаев С. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бухарской области. –Ташкент, «ФАН», 1982.
3. Тошқўзиев М.М., Бердиев Т.Т., и др. Агротехнологии направленные на улучшение мелиоративного состояния и повышения плодородия, подверженных засолению почв. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Бухоро, 2018. – Б. – 22-25.
4. Қўзиев Ж.М. Беруний тумани суғориладиган тупроқларининг агрокимёвий ҳолати. “Қишлоқ хўжалиги илм-фанида ёшларнинг роли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. 2-жилд. –Тошкент, 2020. –Б. –174-177.
5. Каримов Х.Н., Узоқов З.З., Хушмуродов Ж., Нурметов Н. Суғориладиган ўтлоқ-бўз тупроқларининг агрокимёвий ҳолати. Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар ва ечимлар мавзусидаги хорижий олимлар иштирокида онлайн илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Бухоро, 2020 йил, 17-18 декабрь.
4. Ахмедов А.У., Бурханова Н.Ҳ ва бошқ. Соғлом тупроқ-барқарор қишлоқ хўжалиги гарови. Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. – Бухоро, 2021. – Б. –56-57.

УДК 631.4.48

ПЛОДОРОДИЕ БОЛОТНО-ЛУГОВЫХ ПОЧВ И ИХ РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ

Каримбердиева Амина Азимовна,
кандидат сельхоз наук, ст.н.с.,

Кузиев Жахонгир Мадаминович,
доктор философии (PhD), ст.н.с ,

Исманов Абдувахоб Жўраевич,
кандидат сельхоз наук, ст. н.с.

Жумаев Шавкат Ҳасанович,
докторант,

Авезова Наргиза Азат қизи,
докторант

Институт почвоведения и агрохимических исследований

Аннотация. В статье приведены данные по механическому составу, степени засоления и другим показателям болотно-луговых почв, распространённых в горных и предгорных территориях Пскем-Чаткал-Кураминского хребта. Установлено, что из макроэлементов по содержанию подвижного фосфора и из микроэлементов- по содержанию подвижных форм меди и цинка, эти почвы относятся к градации низкообеспеченных этими элементами, количество подвижного марганца и воднорастворимого бора в 1,2-1,6 раз превышают “предельные” числа.

Ключевые слова: болотно-луговая почва, элементы питания, макро- и микроэлементы, степень обеспеченности, “предельные” числа.

Аннотация. Мазкур мақолада Пскем-Чотқол-Курама тоғ, тоғ ости худудларида тарқалган ботқоқ-ўтлоқи тупроқларида уларни механик таркиби, шўрланиш даражаси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу тупроқларнинг таркибидаги ҳаракатчан шаклидаги макроэлементлардан фосфор ва микроэлементлардан мис ва рух билан кам таъминланган гуруҳга мансублиги, ҳаракатчан марганец ва сувда осон эрувчан бор билан «чегараланган» микдордан 1,2-1,6 баробар юқори эканлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган.

Калит сўзлар: ботқоқ-ўтлоқи тупроқ, озиқа элементлар, макро- ва микроэлементлар, таъминланганлик даражаси, «чегараланган» сонлар.

Введение. Сохранение и охрана почв необходимы для обеспечения продовольственной безопасности населения. Почвы – это истощимый ресурс, т.е. в случае потери и деградации его невозможно восстановить за период одного поколения.

Рациональное использование сельскохозяйственных почв во всём мире и устойчивое производство абсолютно необходимы для обращения вспять тенденции к деградации почв и обеспечения глобальной продовольственной безопасности в настоящем и будущем.

Протекающие в мире природные негативные процессы под влиянием изменения климата, процессов опустынивания, засоления, снижения содержания гумуса, питательных элементов и других факторов, наблюдаются также на всех орошаемых почвах сельскохозяйственного назначения Узбекистана и превратились в важные социально-экономические и научно-технические проблемы республики. Предотвращение деградации почв, ликвидация их последствий и охрана, позволит эффективно использовать земельные ресурсы, улучшить их

мелиоративное состояние, сохранить и повысить плодородие почв являются очень важными приоритетными задачами страны.

Особое внимание в Республике уделяется модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства, укреплению продовольственной безопасности, расширению производства экологически чистой продукции и т.д.

Кроме этого, определены задачи по оптимизации площадей под хлопчатником, зерновыми, овощными, масличными культурами, созданию интенсивных садов, виноградников и т.д.

В последние годы изменение климата, в частности недостаточное количество осадков, привело к нарушению в почвах соотношения между элементами питания, воды и солей, что привело к их засолению, относительному снижению урожайности возделываемых сельскохозяйственных культур и т.д.

Целью наших явилось проведение исследований по изучению агрохимических свойств и содержания подвижных форм микроэлементов меди, цинка, марганца и воднорастворимого бора в болотно-луговых почвах, распространённых в горных и предгорных территориях Пскем-Чаткал-Кураминского хребта и дать предложения по повышению плодородия изученных почв.

Объекты исследования. Исследования проведены в Среднечирчикском районе на широко распространённых болотно-луговых почвах массива имени Ким Пен Ха, различных по степени плодородия.

Полевые и лабораторные исследования по определению агрохимических свойств этих почв, изучение содержания элементов питания- макро- и микроэлементов, выполнены по общепринятым методикам (1,2,3).

Площадь болотно-луговых почв на массиве занимает 232,3 гектаров. По механическому составу они, в основном, среднесуглинистые, слабо-и средnezасолённые, тип засоления -сульфатный. Количество воднорастворимых солей колеблется в широких пределах-от 0,30-0,95 % до 1,370-1,585%. (табл.1)

В верхнем, пахотном горизонте почв содержание гумуса составляет 1,847 % и увеличивается до 2,140 % в нижнем, подпахотном горизонте. Далее, вниз по профилю почв количество гумуса резко снижается от 0,713 % до 0,241% в почвообразующей породе.

Количество валового азота в почвах соответствует содержанию гумуса и составляет в пахотном и подпахотном горизонтах почв, соответственно, 0,160 % и 0,17%. В нижележащих горизонтах количество валового азота снижается вниз по профилю этих почв до 0,020 %.

Валового фосфора в пахотном и подпахотном горизонтах изученных почв составляет, соответственно, 0,17% и 0,13%. Наблюдается тенденция повышения содержания валового фосфора в средней части профиля почв.

Болотно-луговые почвы содержат валового калия в профиле почв в пределах 1,04-1,15% и далее, к почвообразующей породе, уменьшается до 0,58 %.

Почвы обеднены подвижным фосфором и в пахотном и подпахотном горизонтах количество его составляет, соответственно, 16,0 мг/кг и 14,0 мг/кг почвы. Вниз, по профилю почв, содержание его снижается до 5,0 мг/кг.

Верхние горизонты изученных почв среднеобеспечены обменным калием, где количество его составляет в пахотном горизонте-240,0 мг/кг и снижается до 139,0мг/кг в подпахотном. Далее нижележащие горизонты, вплоть до почвообразующей породы обеднены обменным калием (табл.1).

Таблица-1

Содержание гумуса и элементов питания в болотно- луговых почвах

№	Район, массив	№ раз- реза	Глубина горизонта, см	Гумус, %	CO ₂ , %	Общее содержание %			Подвижные формы, мг/кг	
						N-NH ₄	P ₂ O ₅	K ₂ O	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
7	Среднечирчикский район, массив Ким Пен Хва	16	0-25	1,847	8,48	0,160	0,17	1,04	16,0	240
			25-40	2,16040	8,80	0,170	0,13	1,15	14,0	139
			40-87	0,722	8,72	0,061	0,29	1,04	10,0	67
			87-130	0,713	8,8	0,055	0,26	0,66	8,0	43
			130-165	0,241	8,8	0,020	0,22	0,58	5,0	50

Отмечено равномерное распределение карбонатов по профилю этих почв- от 8,48% до 8,80 %.

Ёмкость поглощения болотно-луговых почв колеблется в широких пределах и составляет 14-18мг-экв. на 100г почвы. Среди поглощённых оснований превалирует кальций -54,66-64,5 мг/экв/100г, количество поглощённого магния-30,65-39,38 мг/экв/100, поглощённый натрий составляет 2,87-4,87 мг/кг от суммы поглощенных оснований.

Исследованиями установлено, что содержание подвижной меди в пахотном и подпахотном горизонтах почв находится на нижней границе “предельных” чисел и составляет-0,39-0,40 мг/кг. Вниз по профилю почв количество её увеличивается до 0,89-0,1,0 мг/кг. (табл.2)

Изученные почвы обеднены подвижной формой цинка: количество его

снижается вниз по профилю почв от 1,52 мг/кг в пахотном горизонте до 0.9 мг/кг в почвообразующей породе.

Для изученных болотно-луговых почв характерно различное содержание подвижного марганца по всему профилю: верхний, пахотный горизонт почв обеспечен марганцем и количество его составляет-120,0 мг/кг. Подпахотный горизонт обогащен этой формой марганца и здесь содержится более 150,0 мг/кг почвы. Отмечено резкое снижение, почти вдвое, его содержания в нижележащих горизонтах, вплоть до почвообразующей породы.

Почвы содержат повышенное содержание воднорастворимого бора по всему профилю почв: наибольшее его количество содержится в верхних горизонтах- 1,9 -2,0 мг/кг и уменьшается до 0,6 мг/кг в почвообразующей породе. (табл.2)

Таблица -2

Содержание подвижных форм микроэлементов в болотно-луговых почвах, мг/кг.

№	Район,массив	№ разреза	Глубина горизон- та, см	Медь (Cu)	Цинк (Zn)	Марганец (Mn)	Бор (B)
1	2	3	4	5	6	7	8
С7	Среднечирчикский район, массив Ким Пен Хва	16	0-25	0,39	1,52	121,2	1,9
			25-40	0,70	1,40	157,3	2,0
			40-87	0,99	1,0	80,3	1,7
			87-130	0,70	1,1	70,4	1,6
			130-165	0,89	0,9	82,5	0,6

Известно, что почва является основой для возделывания сельскохозяйственных культур и получения сельскохозяйственной продукции для населения, производства кормов и т.д. Плодородные почвы способствуют росту растений, обеспечивая их питательными веществами и т.д. В свою

очередь, растения предотвращают процессы деградации, опустынивания почв, поддерживают в них баланс и круговорот элементов питания.

Болотно-луговые почвы изученной территории обладают высокой производительной способностью, однако, в последние годы здесь мало

внимания уделяется обработке почв под возделываемые сельскохозяйственные культуры, нарушены оптимальные нормы применения минеральных, органических, органо - минеральных удобрений.

Вследствие неравномерного и недоста-точного внесения в почвы норм минеральных удобрений, а также высокого выноса элементов питания с урожаем возделываемых культур, который не восполняется в должной

мере, здесь в некоторой степени, снижено их плодородие и урожайность сельскохозяйственных культур.

К тому же, из года в год сокращаются площади болотно-луговых почв этой территории, что требует проведения на них агромелиоративных меро-приятий для сохранения и повышения плодородия этих почв и увеличения урожайности возделываемых сельскохозяйственных культур.

Список использованной литературы:

1. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах – Ташкент, СоюзНИХИ, 1963. – С. – 439.
2. Методика определения микроэлементов в почвах и растениях. В кн.: «Методы микробиологических исследований и определения микроэлементов». Изд. СоюзНИХИ, – Ташкент, 1973 г.

УДК 581.1:631.8

ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИКДА МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Атоев Бахтиёр Қўлдошевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.
e-mail: baxtiyor.atoev@mail.ru

Эгамбериева Мухайё Ильхамовна,
кичик илмий ходим
e-mail: egamberdieva1969@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада органик деҳқончилик юритишнинг афзаллиги тўғрисида сўз боради. Органик деҳқончиликнинг мақсади, вазифалари, муаммолар ва уларнинг ечими, чиқинди ва қолдиқлар, улардан органик ўғит сифатида фойдаланиш, олинган тадқиқот натижалари, уларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги бўйича мақолада кенг ёритилган. Тадқиқотларимизда ҳайдалма (0-30 см чуқурлик) қатламнинг ўзида чиқинди (турли гўнглар), қолдиқлар (кузги буғдой қолдиқлари, чучик сув лойқаси) ва микрозим-1 биопрепарати ва минерал ўғитлардан фойдаланиб компост тайёрланган, ҳар хил ўғит фонида кузги буғдой билан дала тажрибалари ўтказилган. Тупроқда табиий озиқа элементлар миқдори кўпайган. Ўғитлар самарадорлиги кўтарилиб, соф даромад олишга эришилган.

Калит сўзи: органик деҳқончилик, мақсад ва вазифалари, муаммолари ва ечими, компост тайёрлаш, озиқа элементлар, ҳосил.

Annotation. The article talks about the advantages of organic farming. The purpose, tasks, problems and their solutions of organic farming, waste and residues, their use as organic fertilizers, research results, and their introduction to production are widely covered in the article. In our research, compost was prepared in the arable layer (0-30 cm depth) with waste (various manures), residues (winter wheat residues, water sludge) and microzyme-1 biopreparation and mineral fertilizers. The amount of natural nutrients in the soil has increased. Fertilizer efficiency has increased and net income has been achieved.

Key words: organic farming, goals and objectives, problems and solutions, compost preparation, nutrients, yield.

Кириш. Органик деҳқончилик-қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини ҳисобланади. Инсоният қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Деҳқончилик тизими асосида органик деҳқончилик ривожланиб борган. Органик деҳқончилик энг қадимий ишлаб чиқариш соҳаси бўлиб, тупроқда органикани кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, ердан оқлона фойдаланиш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишдан иборат. Органик деҳқончилик ишлари борасида қадимда турли чиқинди ва қолдиқлардан ноанъанавий ўғит тайёрланган XIV-XV асрларда ёзилган «Зироатнома» (Фани кашту зироа) асарида аждодларимизнинг минг йиллик деҳқончиликка оид тажрибалари умумлаштирилган бўлиб, китобдаги айрим маълумотларнинг гувоҳлик беришича, улар экинлардан юқори ва мўл ҳосил етиштиришда органик ўғитлар тайёрлашган ва юқори ҳосил олишган. Бу воситалар кўп ҳолларда таваккалчасига ишлатилса ҳам, ўзининг ижобий натижаларини берган. Масалан, қадимги Юнонистонда, Хитой ва Европада деҳқончилигида чорва моллари қолдиқлари, дуккакли ўсимликлар ва турли чиқиндилардан фойдаланилган. Хитой, Корея ва Японияда 4 минг йил бурун қолдиқ ва чиқиндилардан компостлаш йўли билан ўғит тайёрлашган. Кейинги йилларда тупроқларимизда озиқа элементлар миқдори, айниқса органик(чиринди) миқдори камайиб кетмокда, бунинг натижасида ўсимлик томонидан озиқа элементларни ўзлаштиришида қийинчиликлар юзага келмокда. Бу ишлар асосан тупроқ шароити билан боғлиқ. Тупроққа органик ўғитлар солинганда тупроқни физикавий хоссалари, сингдириш хусусияти яхшиланади. Органик ўғитлар тупроқдаги микроорганизмлар ҳаётини яъни тупроқ таркибидаги карбамид ва бошқа органик кислоталар миқдори ортиб микроорганизмлар-

нинг озикланиш процеслари яхшиланиб бориши тадқиқотларда ўз исботини топган [2; 3].

Илмий манбаларда ва тегишли тавсияларда келтирилган маълумотларга кўра, республикамиз суғориладиган тупроқларида гумус миқдорини кўтарилишига эришиш учун ҳар бир гектар ерга ҳар йили 15-20 тонна гўнг бериш талаб этилар эди. Айни пайтда республикамизда маҳаллий ўғитларнинг асосий тури бўлган гўнгга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаш имкониятига эга эмас. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили учун қолаверса ҳар гектар ерга тенг тақсимлаганда, айниқса фосфор ва калийли ўғитларни етарли деб бўлмади, шунинг учун унинг захирасини тўлдиришнинг бирдан-бир йўли қўшимча озуқа бирлигини топишдир. Шунингдек барча жойларда органик ўғитларни тўпланиши, сақланиши ва қўлланилишига бўлган эътиборни айниқса, органик ўғитларга айланадиган чиқинди ва қолдиқлардан фойдаланиб компостлаш усули орқали, органо-минерал, ноанъанавий ўғитлар тайёрлаш ва қўллашни кучайтириш лозим.

Органик деҳқончилик ҳам – кенг маънода бу табиий жараёнлар асосида деҳқончилик юритиш усули бўлиб, тупроқларининг хосса-хусусиятларини ўрганиш, тупроқда макро ва микро элементларни кўпайтириш, сув-физик, кимёвий хоссаларини яхшилаш, ерга органик (зарурият бўлганда маълум миқдорда минерал) ўғитлар солиш миқдорлари, тупроққа ишлов бериш муддатлари, суғориш меъёри, тартиби ва усуллари, тупроқда фойдали микроорганизмлар кўпайтириш усуллари, ферментлар фаоллиги, экин тури ва навига мос ўғитлар меъёрлари ва нисбатини ишлаб чиқиш, кам харажатли, органо-минерал, ноанъанавий ўғит тайёрлашларни йўлга қўйишнинг янги замонавий агротех-

нологиясини ишлаб чиқиш, шу орқали тупроқлар структураси, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экинлардан юқори, энг асосан си-фатли ҳосил шакиллантириб, яратилган янги агротехнологияни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этишдан иборат.

Органик деҳқончиликда муаммоларни ечишда муҳим вазифаларни қўяди:

- ▶ тупроқнинг сув-физик, механик, агрокимёвий хоссаларини ўрганиш;
- ▶ янги турдаги органик ўғитлар тайёрлашда, унинг кимёвий таркибини аниқлаш;
- ▶ турли меъёр ва нисбатда органик ўғитлар тайёрлаш;
- ▶ органик ўғитларни тупроқ хосса-ларига, экин навининг кимёвий тарки-бига таъсирини аниқлаш;
- ▶ органик ўғитлар қўлланилганда суғориш мақбул меъёри, муддатларини белгилаш;
- ▶ органик ўғитлар қўллаш орқали экинлардан юқори, сифатли ҳосил ша-киллантириш;
- ▶ янги турдаги қўлланилган орга-ник ўғитлар таъсирида олинган ҳосил асосида ўғитлар самарадорлигини аниқлаш;
- ▶ экологик тоза маҳсулот етишти-риш учун ресурс тежамкор (ерга мини-мал ишлов бериш, соф тупроқ ва соф ҳосил олиш, суғоришда сув тежамкор усуллар ва бошқа) технологиялардан кенг фойдаланиш;
- ▶ ҳар бир тупроқ-иқлим шароит-лари учун органик ўғитлар қўллашнинг аниқ меъёрлари белгилаш ва ишлаб-чиқаришга кенг тадбиқ этиш;
- ▶ атроф-муҳитга салбий таъсирлар кўрсатмайдиган органик ўғит турлари-ни яратиш, органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- ▶ биологик (органик) деҳқончи-лик соҳасидаги вазифаларни бажариш масалалари бўйича юқори малакали кадрлар илмий даражасини (қишлоқ хўжалиги, умумий деҳқончилик, кимё технология, биология каби

йўналишларда) тайёрлаш;

▶ илм-фан, таълим ва ишлаб чиқа-риш интеграциясини кучайтириш, билимларни тарғиб қилиш, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини биологик (органик) деҳқончилик соҳасида эри-шилган илмий ютуқлар ва иннова-циялардан фойдалана олишларини ку-чайтириш ва ОАВлар ва бошқа тегишли ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш;

▶ кластерлар, фермер ва деҳқон хў-жаликлари учун органик стандартлар ва органик қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари бўйича органик деҳқончи-лик тизимларига қадамба-қадам ўтиш усулларини ишлаб чиқиш;

▶ органик маҳсулотларни жорий этилишида, кластер, фермер хўжалик-лари, экспортиёр ташкилотлар ва бо-шқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун ўқув семинарлари ва тренинг, халқаро анжуманлар ташкил этиш;

▶ органик деҳқончилик бўйича долзарб муаммоларни ечимига қара-тилган мавзуларда фундаментал ва амалий, инновацион илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий-техник лойиҳалар тайёрлаш, натижаларини ишлаб чиқаришда жорий этиш;

▶ нуфузи юқори журналларда мақолалар, услубий қўлланмалар, органик ишлаб чиқаришнинг мақсади ва истиқболлари тўғрисидаги билим-ларни оммалаштириш ишларини амалга оширувчи ўқув ва услубий материаллар тайёрлаш, моногра-фиялар чоп этиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётда тадбиқ этишдан иборат.

Юқоридаги қўйилган вазифаларни келгусида амалга ошириш орқали органик деҳқончиликдаги айрим муам-моларга ечим топиш мумкин бўлди. Натижада, қишлоқ хўжалида яроқли бўлган чиқинди ва қолдиқлардан самарали фойдаланилади. Органик ўғитларнинг янги тури яратилади. Бу ўғит турларини тайёрлаш, қўлланили-ши тупроқ хоссалари яхшилади, тар-

кибида гумус, озиқа элементлар миқдори, микроорганизмларни кўпайтиради. Органик ўғитлар қўллаш таъсирида тупроқ хоссалари яхшиланиб, макро-, микро- озиқа элементлар билан бойийди; чиқинди ва қолдиқлар аста-секинлик билан ўғитларга айланиб, самарадорлик кўтарилади, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда масалан, қишлоқ хўжалик экини ҳосили ошириб, рентабелликнинг юқори бўлишига олиб келади. Энг муҳими, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши олди олинади. Тупроқни органика, фосфор, калий ва бошқа макро-, микроэлементлар билан таъминланганлик даражасини оширади. Бошқа озиқ элементлар етарли бўлиши тупроқдаги фосфор ва калийдан фойдаланиш коэффицентини кўтаради. Ҳосил кўпаяди, сифат яхшиланади. Ички бозорда маҳсулот кўпаяди ва экспортга имконият туғилади.

Тадқиқот усуллари. Дала тадқиқотлари, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш, агрокимёвий таҳлиллар, фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» [4], «Методика полевого опыта» [5], микроорганизмлар «Практикум по микробиологии», ўсимлик органларида ферментлар жадаллиги «Быстрый метод определения активности пероксидаз», «Ферментативная активность почв» [7] асосида ва бошқа усулларда ўрганилган.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Маълумки, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳалқни таъминлаш, ҳар қандай мамлакатлар олдида турган энг долзарб масалалардан бири, бунинг учун тупроқлар соф ва доимо озиқага бой бўлиши керак. Гап шундаки, ҳозир агротехнологиялар қанчалик ривожланган бўлмасин, агар ер унумдор бўлмаса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб бўлмайди,

яъни қўзланган ҳосилни олиш мушкул. Бугунги кунда сони тобора ортиб бораётган аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш масаласи бизда қолаверса дунёнинг барча мамлакатларида органик маҳсулотлар етиштириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Тадқиқотлар, Навоий вилояти Қизилтепа туманининг суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида ўтказилган. Биз тадқиқотлар ўтказалаётган Тошрабат массиви, Қизилтепа туманинг шимолий қисми Маликчўл ҳудудида жойлашган бўлиб, 3 та геоморфологик кўринишга эга: 1. Зарафшон дарёсининг I террасаси; 2. Зарафшон дарёсининг II террасаси; 3. Офтобачи платосининг ўзан шаклидаги бурилиш жойи.

Дала тажрибаси олиб борилган жой, учинчи геоморфологик тузилиш: Офтобачи платосининг ўзан шаклидаги бурилишида жойи ҳисобланади. Маликчўл иқлими шароитларига кўра, чўл минтақаси иқлимидан субтропик иқлим минтақасига ўтиш чегарасида жойлашган [1; 6].

Маликчўл ҳудудига кирган Зарафшон дарёсининг шимолий қисми Қизилқум чўллари билан туташган. Биз тажриба олиб борган жой Навоий вилояти Қизилтепа тумани Тошрабат хўжалигига қарашли бўлиб, бу хўжалик қадимий деҳқончилиги тараққий этиб келаётган маскан ҳисобланади. Илгари бу хўжалик ҳудудидан Зарафшон дарёга туташган 5 та: Хўжақўрғон, Ўртақўрқон, Ғамхўр, Бештут, Хонакоҳ ариқлари мавжуд бўлган. Ҳозирда ҳам бу ариқлардан суғориш деҳқончилигида фойдаланилмоқда. Ўша пайтда Султонобод ва Пирмаст магистрал каналлари бўлган. Эндиликда «Тошрабат» гидроузели барпо этилган бўлиб, «Тошрабат» массивидан ўтган Зарафшон дарё Абу Муслим жарлигидан бошланиб бир неча ирмоқларга,

Вобкент, Моҳақ, Қорақўл дарёлари ирмоғига ажралган. Зарафшон дарёнинг қуйи этагидаги Ҳазора билан Тошрабат ва унинг шарқидаги Узилишкент, Чохаргов каби сув ирмоқлари ҳам мавжуд [5, 22 б].

Суғориладиган тупроқлар қоплами уларнинг орасида тошли, шағалли, қумли, қумоқли, гипсли ва гипссиз, кам, ўртача қатламли ва кам ривожланган каби тупроқ айирмалари жуда кўп учрайди. Кейинги даврда, яъни XX асрнинг 60-70 йилларида сур тусли қўнғир тупроқлар тарқалган кўп майдонларнинг ўзлаштирилиши сизот сувлари-

нинг ер юзасига яқин жойланишига олиб келган. Натижада суғориладиган ерларда иккиламчи шўрланиш жараёнларининг ривожланиши бошланди. Дастлабки автоморф сур тусли қўнғир тупроқлар пайдо бўлиш жараёнлари гидроморф, ярим гидроморф тупроқлар ҳосил бўлиш жараёнлари борган. Кейинчалик эса суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шаклланиб борган. Бу тупроқларнинг хосса-хусусиятларини кузги буғдой экини, уни озиқаси билан боғлиқ ишлар кам ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кузги буғдойни озиқлантириш тизими, кг/га

Ўғитлар- нинг йиллик меъёри	Экишдан олдин			Экишдан кейин			Тупланиш даврида			Найчалаш даврида			Бошоқлаш даврида							
	Ўқинди ва қолдиқлар, тонна/ га	Минерал ўғитлар, кг/га			Ўқинди ва қолдиқ лар, тон на/ га	Минерал ўғитлар, кг/га			Ўқинди ва қолдиқлар, тон на/ га	Минерал ўғитлар, кг/га			Ўқинди ва қолдиқлар, тонна/ га	Минерал ўғитлар, кг/га						
		N	P	K		N	P	K		N	P	K		N	P	K				
суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар																				
10 тонна/га ўқин- ди ва қолдиқ- лар + N-154 P-112 K-35	10,0	-	67	21	-	31	22	7	-	38	17	5	-	54	6	2	-	31	-	-
Йиллик озиклан- тириш миқдо- ри, %	100	-	60	60	-	20	20	20	-	25	15	14	-	35	5	6	-	20	-	-

Органик ўғитлар тайёрлаш учун Ўзбекистонда етарли миқдорда хомашё мавжуд. Ҳар йили 30-50 млн. тонна атрофида шаҳар қаттиқ маиший ва саноат чиқиндилари, дарахт баргининг хазонлари, 2 млрд тоннадан ортиқ сув ҳавзалари остида лойқа (ил) тўпланadi. Ушбу чиқиндиларнинг кўп қисми очиқ майдонларда бўлиб, йилдан-йилга миқдори ортиб бормoқда. Бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланиш эҳти-молини янада оширади. Шунинг учун ушбу чиқиндиларни утилизация қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бунда

чиқиндилардан компостлаш усули билан органик, органик-минерал, но-анъанавий ўғитлар тайёрлаш уларни утилизация қилишнинг энг самарали усули ҳисобланиб, у бирданига учта масалани ҳал қилади. Биринчидан, органик ўғит муаммоси, иккинчидан, тупроқни озиқ элементлар билан бойитиш ва учинчидан, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланишдан сақлаш масалалари ўз ечимини топади. Биз органик ўғит тайёрлашда қуйидаги компонентларни асос қилиб олдик.



Биринчи маҳсулот (ўсимлик қолдиқлари): ҳозирги кунда буғдой ўрилгандан сўнг далаларда маълум миқдорда унинг илдиз-анғиз, сомон (барг-поя, қобиқ) қисмлари ерда қолади. Шудгор вақтида тупроқ билан яхши аралашиб кетмаслиги сабабли, сомон чала чириб, тупроқда органик масса ҳосил бўлишида тўлиқ иштирок этмайди. Бундан ташқари тупроқ намлигини ҳисобга олиб ағдариб, кетидан такрорий экинлар ёки бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилади. Гоҳида кузги буғдой қолдиқларини ернинг ўзида куйдириб, ёкиб юборишларга ҳам гувоҳ бўламиз. Бу тупроққа, ҳавога, сув таркибига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай ҳолатда, тупроқ структураси бузилади, ҳавога эса заҳарли газлар чиқади ва ҳокозо. Шунинг учун кузги буғдой ҳосили йиғиштирилгандан кейин тупроққа қоладиган 1-2 тонна атрофида буғдойнинг қолдиқларини ноанъанавий ўғитга айлантириш мумкин.



Иккинчи маҳсулот (лойқалар): бу қолдиқ азот лойқалар бу барча сув ҳавзаларида 30-35 % 0,01 мм заррачаларни сақлайдиган масса ҳисобланади. Ҳозирда республикада турли сув ҳавзаларида 3 млн. тоннадан ортиқ лойқа (ил) мавжуд. Бу миқдор йилдан-йилга ортиб бормоқда сабаби лойқадан деярли самарали фойдаланилмайди. Ушбу чиқиндиларнинг кўп қисми очик майдонларини эгаллаган. Бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланиш эҳтимолини янада оширади ва шунинг учун ушбу чиқиндиларни утилизация қилиш долзарб масала ҳисобланади. Ил (чўкинди лойқа) таркиби ўсимликлар учун зарур бўлган озик элементларга бой. Чучук сув лойқаси, ўсимлик қолдиқларини гўнглар билан аралаштириб, ўғит сифатида қўллаш яхши самара беради. Лойқадан фойдаланишнинг аҳамияти шундаги, биринчидан атроф-муҳитни ботқоқланишдан, шўрланишдан сақлаб, ерни қишлоқ хўжалик доирасига киритиш имконини беради ва иккинчидан, экологик балансни тиклайди.



Учинчи маҳсулот (гўнглар): маълумки, гўнг (қорамол, қўй-эчки, товуқлар) жуда қадимдан деҳқончиликда орник ўғит сифатида ишлатилиб келинади. Гўнглар, органик бирикмалари туфайли тупроқни микроорганизмларга, гумус ва гумус моддаларга, фермент, ўстирувчи моддаларга ҳамда кўплаб макро-, микро- ва ультра микроэлементларга бойитади. Гўнг маҳсулотларни тез парчаланишини таъминлайди. Гўнг, ил (чўкинди лойқа) ли ва буғдой қол-

дикларидан фойдаланишда аввало маҳсулотлар буғдойдан бўшаган майдонда тайёрлаш учун айниқса, гўнг топиб қўйилади. Кузги буғдойдан бўшаган экин даланинг ўзида мавжуд буғдой қолдиқлари ва минерал ўғитнинг (фосфор ва калийнинг 35-40 % ини) иқтисод қилган ҳолда фойдаланилиб, унинг устига лойқа ва гўнг бир меъёردа тажриба ўтказиладиган майдонга тўкиб чиқилади, аралашган масса гўнглари таъсирида чирий бошлайди. Натижада барча озиқа моддалар ажраладиган суюқликлар таркибига ўтади ва улар бутун масса томонидан шимиб олинади. Ноанъанавий ўғитлар тайёрлашда тупроқ намлиги ҳисобга олинади, намлик 60 % дан камайиб кетмасдан, тупроқлар 35-40 см чуқурликда ҳайдалади ва ҳарорат 40 °C дан ошмаслиги керак. Бир, икки ой ичида органик масса тайёр бўлади, бундай майдонларга кузги буғдой экинини экин орқали юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади. Тайёрланган ноанъанавий ўғитлар таркибида ҳаракатчан шаклдаги озиқа бирикмалар кўп, иккинчидан органик таркибидаги озиқа элементлар ҳам секин-аста ҳаракатчан шаклга ўтиб ўсимлик оладиган захира ни тўлдириб боради, ўсимликни ҳаво орқали озикланишини ҳам яхшилайдди.

Чиқинди ва қолдиқлар билан бирга минерал ўғитларни биргаликда қўллаш тупроқни озиқ элементлар билан бойитиб қолмасдан, уни физик, кимёвий, агрокимё, биологик хоссаларини яхшилаш, шулар орқали ўсимлик учун зарур бўлган сув, ҳаво ва озиқа режимларини муқобиллаштиради. Чиқинди, қолдиқлар ва минерал ўғитларни бир вақтни ўзида экин майдонларида, қўлланилганда ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган озиқ элементлар (азот, фосфор, калий ва бошқалар) нинг миқдори ошади, органик моддалар таркибидаги целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддалар миқдори камаяди, ўғитнинг

физик хоссалари яхшиланади ва тупроққа солиш учун қулай (сочилувчан) ҳолатга ўтади. Тупроқда азот тўпловчи бактериялар, аммонификаторлар, нитрификаторлар ва микроорганизмлар фаолиятини кучайтиради.

Янги турдаги тайёрланадиган ноанъанавий ўғитлар, минерал ўғитларга нисбатан самарадорлиги юқори ўғит ҳисобланади ва бундай турдаги ноанъанавий ўғитларга эҳтиёж катта бўлади. Сабаби экин далаларнинг ён атрофида мавжуд лойқа, гўнглари буғдой қолдиқлари, минерал ўғитларни аралаштириб маълум муддатга компост тайёрланади. Аввало, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар томонлама самарадорлиги юқори бўлиб, арзон, экологик соф маҳсулот олиш билан ички бозорни бемалол тўлдириши ҳисобга олинган. Энг муҳими бу маҳсулотни барча деҳқонлар, фермерлар бемалол тайёрлай олишлари, бундай ўғитлар тайёрлаш учун хомашё узоқдан олиб келинмаслиги, нархи минерал ўғитга нисбатан арзон тушиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Фақат ўғит тайёрлаш технологиясига амал қилган ҳолда тайёрланса, тупроқлар фосфор ва калийли озиқа элементлар билан таъминланиши яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан кузги буғдой экинидан юқори ва сифатли ҳосил шакллантирилган.



Тадқиқот натижалари бўйича, суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини яхшилаб,

кузги буғдой дон ҳосили ва сифатини оширишда гектарига 10 т/га чиқинди ва қолдиқлар (соф ҳолда) +N-154 P-112 K-35 кг/га меъёрлари тавсия қилинган.

Тадқиқотларда, тупроқнинг 0-30 см қатламни компостга айлантириш агротехнологияси синовдан ўтган. Юқоридаги кузги буғдойни мақбул меъёри, миқдорлари, муддатларда озиклантириш агротехнологияси қўлланилганда: тупроқларда гумус миқдори 0,002% гача, азот 3% гача, фосфор ва калий 2% гача умумий миқдори кўпайган.

Кузги буғдойдан суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи тупроқларда дон ҳосили ўртача 65 ц/га дан ортиқ (фермернинг ўғит меъёрларидаги ҳосилига нисбатан қўшимча 5-6 центнергача), суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ўртача 68 ц/га дан ортиқ (фермернинг ўғит меъёрларидаги ҳосилига нисбатан қўшимча 6-8 центнергача) дон ҳосили олишга эришилган.

Хулоса. Тупроқда органикани кўпайтириш керак. Органик деҳқончиликда чиқинди ва қолдиқлардан органик ўғитлар тайёрлаш ва қўллаш

орқали тупроқ хосса-хусусиятлари ижобий томонга ўзгарган. Органик ўғитлар қўлланилган фонда тупроқ хосса-хусусиятлари (тупроқларда гумус миқдори 0,002% гача, азот 3% гача, фосфор ва калий 2% гача умумий миқдори кўпайган) яхшиланган.

Тадқиқотларда олинган маълумотлар натижаларида, ўрганилган ҳар иккала (суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи ва суғориладиган ўтлоқи) тупроқлар шароитида ҳам гектарига 10 т/га чиқинди ва қолдиқлар (соф ҳолда) +N-154 P-112 K-35 кг/га меъёрлари юқори натижага эришилган. Шу ўғит фонида қўшимча дон ҳосилдорлиги ишлаб чиқаришдаги фермерлар ҳосилига нисбатан 8 ц/гача ошган. Натижада, органик ўғитлар қўлланилганлиги ҳисобига, экин учун белгиланган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 35-40 % гача кам қўлланилган. Ўғит иқтисод қилинган, ўғит самарадорлиги кўтарилиб рентабелликнинг юқори бўлишига олиб келган. Энг муҳими юқори ва сифатли ҳосил шаклланган, ортиқча ўғит билан тупроқлар ифлосланиши олди олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммаджонов А.Р. Қўйи Зарафшон водийсининг суғориш тарихи. Қадимги даврдан то XX-аср бошларида. –Тошкент, 1994. –36 б.
2. Сатторов Ж. Қолдиқ ва чиқиндиларнинг ҳар хил турларини ўғит сифатида ишлатиш. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Бухоро, 2006. –16 б.
3. Сатторов Ж. Минерал ўғитларни қўллашнинг илмий асосини ривожлантириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. –Т.: 2013. №2. – 236.
4. Доспехов Б.А.Методика полевого опыта. –М.:1985. Агропромиздат –С. –248-255.
5. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии Издание 5-е. —Тошкент, 1977. –12-18 б.
6. Зырин Н.Г., Турсинов Х. Минералогический состав и листовой фракции орошаемой и целинной серо-бурой почвы Кизилтепинского плато Маликчуля. Вышеие школы серия быол. –М.: Наука, 1970. -№ – С. -19.
7. Хазиев Ф.Х. Ферментативная активность почв. Наука и техника, –Т.: 1983. – С. 179.

БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ТУМАНИ БЎСТОН МАССИВИДА ТАРҚАЛГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЧЎЛ ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Бурханова Нигора Хамид қизи,
2-босқич таянч докторанти,
e-mail: nigoraburxanova8992@gmail.com

Ахмедов Алмон Усмонович,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
e-mail: almon@mail.ru

Турдалиев Жамолбек Мўминалиевич,
бўлими мудири, б.ф.ф.д., катта илмий ходим,
e-mail: jamolbek1986@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Ушбу келтирилган мақолада Бухоро вилоятининг Когон тумани Бўстон номли массивда тарқалган суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги гумус ва озик элементларининг ялпи ва ҳаракатчан миқдорлари ва айрим захира кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, гумус, ҳаракатчан, ял-пи азот, фосфор ва калий миқдорлари, ҳайдалма қатлам, агрокимёвий хоссалар, унумдорлик.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о содержании гумуса, валовых и подвижных форм питательных элементов и отдельные показатели их запасов в орошаемых пустынных лугово-аллювиальных почвах массива «Бустон» Каганского района Бухарской области.

Ключевые слова: Орошаемые пустынные лугово-аллювиальные почвы, гумус, валовые и подвижные, азот, фосфора и калия, пахотный слой, агрохимические свойства, плодородие.

Annotation. This article provides information on the content of humus, general and active forms of nutrients, and individual indicators of their reserves in the irrigated desert meadow-alluvial soils of the "Buston" massif in the Kagan district of the Bukhara region.

Key words: Irrigated desert meadow-alluvial soils, humus, content of total and subsurface nitrogen, phosphorus and potassium, arable layer, agrochemical properties, fertility.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иклим шароитлари, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманлари ҳудудлари муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилиши, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда асосий эътибор унинг ҳосилдорлиги, экспортбopлиги, яхлит майдонларда етиштирилишига қаратилиши» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқ таркибида озика элементларининг етарли бўлмаслиги ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши ҳамда ҳосилнинг сифати ва миқдorigа салбий таъсир кўрсатади. Тупроқдаги озик элементларининг миқдори она жинсларнинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлиб, бу элементлар органик

моддалар ҳисобига тупроқнинг чириндили қатламида кўпроқ тўпланади.

Гумус миқдори кўп бўлган тупроқлар экин экиш учун тез етилади, механик ҳайдашда кам куч ва энергия сарфланади, тупроқ зичлиги мақбул меъёрларда бўлади, тупроқнинг физик-кимёвий хоссалари (сингдириш сифими, буферлиги) органик моддалар миқдorigа бевосита боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Гумус биринчи галда азот манбаи бўлиб, ўсимлик ўзи учун зарур азотнинг 50 фоизини тупроқ захирасидан олади. Тупроқдаги органик моддалар минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширади.

Азот тупроқдаги органик моддалар таркибига кирувчи ва тупроқ унумдорлик даражаси ва юқори ҳосилдорликни белгиловчи муҳим озиқа элементларидан бўлиб, унинг тупроқдаги асосий манбаи гумус ҳисобланади, у орқали азот ўсимликлар томонидан бевосита ўзлаштирилади.

Фосфор углевод алмашинувида алоҳида аҳамият касб этади, у ўсимликлар тўқималарида содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияси жараёнларига таъсир этади. Фосфор тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи

иккинчи элемент ҳисобланиб, унинг кам эрувчанлиги, кам ҳаракатчанлиги туфайли ўсимликларни бу элемент билан озиқланиши қийин кечади.

Калий тупроқда сингдирилган (алмашинувчи ва алмашинмайдиган) ҳолатда ва оддий тузлар шаклида сақланган бўлади. Алмашинувчи калий ўсимликларнинг озиқланиши учун асосий манба ҳисобланади. Тупроқлар алмашинувчи калий билан қанчалик кўп тўйинган бўлса, унинг ўсимликларга ўтиши ҳам шунчалик яхши ва осон бўлади. Алмашинмайдиган (фиксацияланган) калийни ўсимликлар ниҳоятда қийин ўзлаштиради. Лекин тупроқдаги алмашинадиган ва алмашинмайдиган калий орасида маълум мутаносиблик мавжуд. Алмашинадиган калий ўзлаштирилиб бўлингандан сўнг, унинг захираси алмашинмайдиган калий билан тўлдирилади.

Тадқиқот натижалари. Когон тумани «Бўстон» массивидаги калит майдонларидан олинган тупроқ намуналарида гумус, ялпи ва ҳаракатчан азот, фосфор ва калий билан таъминланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан фойдаланилди.

1-жадвал.

Тупроқларни устки ҳайдалма (0-30 см) қатламидаги ҳаракатчан азот, фосфор, калий ва гумус миқдорлари билан таъминланганлик даражасини гуруҳлаш классификацияси, мг/кг

Т/р.	Тупроқларнинг таъминланганлиги	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	Гумус, %
1.	Жуда кам	<20	<15	<100	<05
2.	Кам	20-30	15-30	100-200	0,5-1,0
3.	Ўртача	30-50	30-45	200-300	1,0-1,5
4.	Юқори	50-60	45-60	300-400	1,5-2,0
5.	Жуда юқори	>60	>60	>400	>2,0

2-жадвал.

Бухоро вилояти Когон тумани Бўстон массиви тупроқларидаги гумус ва озиқа элементлари миқдори


Кесма рақами	Чуқурлик, см	Гумус, %	Озиқа моддалари.					
			Ялпи, %			Ҳаракатчан, мг/кг		
			N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	0-30	1,040	0,016	0,42	0,534	19,75	29,0	158,4
	30-45	0,960	0,016	0,39	0,504	15,50	24,0	148,8
	45-80	0,840	0,014	0,34	0,492	14,25	23,0	115,2
	80-118	0,800	0,013	0,22	0,480	14,25	20,0	144,0
	118-157	0,780	0,012	0,15	0,456	13,25	17,5	105,6
	0-100	0,910	0,015	0,347	0,504	16,09	24,35	138,9

Кесма рақаи	Чуқурлик, см	Гумус, %	Озиқа моддалари.					
			Ялпи, %			Ҳаракатчан, мг/кг		
			N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
2	0-30	1,080	0,017	0,42	0,576	13,25	29,0	139,2
	30-58	0,880	0,012	0,38	0,576	13,00	27,0	122,4
	58-96	0,840	0,010	0,30	0,574	10,00	25,0	112,8
	96-137	0,820	0,012	0,24	0,546	8,50	22,0	96,0
	137-176	0,600	0,014	0,17	0,492	8,50	17,5	91,2
	0-100	0,922	0,013	0,356	0,574	11,75	26,64	122,7
3	0-29	1,280	0,030	0,38	0,552	22,0	38,0	120,0
	29-50	1,080	0,030	0,35	0,510	17,5	32,0	112,8
	50-95	0,880	0,024	0,33	0,486	13,25	32,0	96,0
	95-130	0,740	0,017	0,23	0,480	13,0	28,0	82,4
	130-168	0,600	0,016	0,18	0,456	10,75	26,0	82,4
	0-100	1,010	0,026	0,343	0,508	16,67	33,54	105,8

Ўрганилган калит майдони чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг устки ҳайдалма (0-30 см) қатламидаги гумус миқдори 1,04-1,280% ни ташкил этади, амалдаги классификацияга кўра (1-жадвал) гумус билан ўртача (1,0-1,5%) таъминланган тупроқлар гуруҳига киради. Унинг тупроқни 0-1 метрлик қатламидаги миқдори эса


0,910-0,1,010% оралиғида тебраниб туради (2-жадвал).

Ўрганилган массивдаги ҳайдалма қатламидаги ялпи азот миқдори биринчи намунада 0,016%, 0-1 метрлик қатламда ўртача 0,015% ни, иккинчи намунада 0,017%, ўртача 0,013% ни, учунчи намунада 0,030%, 0-100 см. лик қатламда 0,026% ни ташкил қилди (1-расм).




1-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ялпи азот миқдори, %

Массив тупроқлари ҳайдалма қатламдаги ялпи фосфор миқдори ҳар уччала намуналарда 0,38-0,42%, 0-100 см. лик қатламда 0,343-0,356% оралиғида тебраниб туради (2-расм).



2-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ялпи фосфор миқдори, %

Массив тупроқлари ҳайдалма қатламдаги ялпи калий миқдори барча намуналарда 0,534-0,576%, 0-100 см. лик қатламда 0,504-0,574% оралиғида тебраниб туради (3-расм).




3-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ялпи калий миқдори, %

Ҳайдалма қатламдаги ҳаракатчан азот миқдори 13,25-22,0 мг/кг ни, фосфор 29,0-38,3 мг/кг ни ва алмашинувчи калий миқдори эса 120,0-158,4 мг/кг ни ташкил этади, ҳаракатчан азот миқдорига кўра жуда кам (<20 мг/кг) ва кам (20-30 мг/кг); фосфор билан кам (15-30 мг/кг) ва ўртача (30-45 мг/кг) ва алмашинувчи калий билан эса кам (100-200 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳига киради. Ҳаракатчан азот миқдори тупроқнинг устки


30-100 см.лик қатламида 8,50-17,50 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 20,0-32,0 мг/кг ва алмашинувчи калий миқдори 82,4-148,8 мг/кг оралиғида тебраниб туради (2-жадвал).

Тадқиқот ўтказилган тупроқлардаги гумус захираси суғориладиган чўл ўтлоқи аллювиал тупроқларининг устки 0-100 см. лик қатламида гектарига 127,40-143,4 тонна оралиғида тебраниб, массивлар бўйича ўртача 133,9 тоннани ташкил қилади (4-расм).




4-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг устки 0-1 метрлик қатламидаги гумус захиралари, т/га.

Гумус миқдори билан боғлиқ бўлган ҳайдалма қатламдаги ҳаракатчан азот миқдори ҳам турлича кўрсаткичларда кузатилиб, 13,25-22,0 мг/кг оралиғида тебраниб туради (5-расм).




5-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги ҳаракатчан азот миқдори, мг/кг.

Ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдалма қатламда 1 ва 2-асосий намуналарда 29,0 мг/кг ни, унинг энг кўп миқдори 3 асосий намуна тупроқларида (38,0 мг/кг) кузатилди (6-расм).



6-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ҳаракатчан фосфор миқдори, мг/кг.

Тадқиқот ўтказилган майдон тупроқларидаги алмашинувчи калий миқдори 82,4-158,4 мг/кг оралиғида тебраниб туради (7-расм).



7-расм. Суғориладиган чўл ўтлоқи-аллювиал тупроқларида алмашинувчи калий миқдори, мг/кг.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги ўн йиллар давомида қишлоқ хўжалигида экстенсив деҳқончилик олиб борилиши натижасида тупроқдаги гумус миқдори кескин камайиб кетган. Бу ўз навбатида тупроқнинг биологик активлигини камайтириб, унумдорлигини пасайишига олиб келмоқда.

Тупроқлар озиқ элементларга жуда камбағал ва камбағал бўлганда, таркибида озиқ элементлари кўп бўлган ўғитларни кўпроқ қўллашни талаб этади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда, жумладан Ўрта Осиё республикаларида тупроқнинг озиқа элементлар билан таъминланишини кўрсатувчи картограммалар тузилмоқда. Бу материаллар ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Хулоса

1. Ўрганилган майдонда тарқалган тупроқлар гумус билан ўртача (1,0-1,5%) таъминланган, ҳаракатчан азот жуда кам (<20 мг/кг) ва кам (20-30 мг/кг); фосфор билан кам (15-30 мг/кг) ўртача (30-45 мг/кг) ва алмашинувчи калий билан эса кам (100-200 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

2. Тупроқлар ҳолати назорат қилиб турилиши, керакли агротехник, агромелиоратив тадбирлар ўтказилиб турилиши, мақбул меъёрларда органик ва минерал ўғитлар қўлланиши, тупроқлар структурасини, сув-физикавий хоссалари ва мелиоратив ҳолатини яхшилайти, унумдорлик ва маҳсулдорлигини сақлаш ва ошириб бориш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ги Фармони.
2. Артикова Х.Т. Бухоро вилояти тупроқларининг эволюцияси, экологик ҳолати ва унумдорлиги. Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Ташкент, 2019.
3. Гофуров Қ., Абдуллаев С. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бухарской области. – Ташкент, «ФАН», 1982.
4. Тошқўзиев М.М., Бердиев Т.Т., и др. Агротехнологии направленные на улучшение мелиоративного состояния и повышения плодородия, подверженных засолению почв. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. – 22-25.

UO'T: 633.854.78/631.8

KUNGABOQAR YETISHTIRISHDA QO'LLANILADIGAN YUQORI SAMARALI BIOO'G'IT KOMBINATSIYALARINI YARATISH

Muydinov Xoshimjon Gulomovich,
dotsent, e-mail: xoshimjonmuydinov@gmail.com

Davranov Abduxalik Mashrapovich,
doktorant

*Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti
Andijon viloyati mintaqaviy bo'linmasi.*

Annotatsiya. Maqolada takroriy ekin sifatida ekilgan kungaboqar ekiniga organomineral o'g'itlar qo'llashning ularning hosil strukturasi shakllanishiga ta'siri to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan. Eng maqbul deb topilgan kombinatsiyada, ya'ni, 4-variantda 1000 dona don og'irligi va don chiqish ko'rsatkichi ham variantlar orasida eng yuqori bo'lib, ular mos ravishda 76,4 gramm va 37,23 % ni tashkil etgan. Олинган ҳосил миқдори 4-вариантда 32,1 ц/га, 8-вариантда эса 30,6 ц/га ни ташкил этиб, тегишли назорат вариантларга нисбатан 8,2 ва 7,7 ц/га юқори бўлган.

Kalit so'zlar. Biopreparat, Ekosil, Ekogum bio, Gidrogumat, Ekogum kompleks, Ekogum FK, Polibor, Immunoakt, kungaboqar, savatcha.

Аннотация. В статье представлены сведения о влиянии внесения органоминеральных удобрений на формирование структуры их урожая подсолнечника, высеваемого в качестве повторной культуры. В наиболее оптимальном сочетании, т. е. варианте 4, масса 1000 зерен и выход зерна были самыми высокими среди вариантов и составили 76,4 грамма и 37,23% соответственно. Урожайность составила 32,1 ц/га в варианте 4 и 30,6 ц/га в варианте 8, что было на 8,2 и 7,7 ц/га выше соответствующих контрольных вариантов.

Ключевые слова. Биопрепарат, Экосил, Экогум био, Гидрогумат, Экогум комплекс, Экогум ФК, Полибор, Иммуноакт, подсолнечник, корзина.

Annotation. The article presents information on the effect of applying organomineral fertilizers on the formation of their crop structure to the sunflower crop planted as a repeated crop. In this combination, the weight of 1000 grains and the yield rate of 1000 grains in the 4th variant were the highest among the variants, which were 76.4 grams and 37.23%, respectively. The yield was 32.1 c/ha in option 4 and 30.6 c/ha in option 8, which was 8.2 and 7.7 c/ha higher than the corresponding control options.

Key words. Biopreparat, Ekosil, Ekogum bio, Hydrogumat, Ekogum complex, Ekogum FK, Polibor, Immunoact, sunflower, basket.

KIRISH

Jahon qishloq xo'jaligi tarmog'ida ekinlarni oziqlantirishda samarali organomineral o'g'itlardan foydalanish yo'li bilan qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirishga erishish, hosildorlikni va tuproq unumdorligini oshirishga qaratilgan yerdan unumli foydalanish texnologiyalarini, yuqori mahsuldor navlar uchun organomineral o'g'itlar va biostimulyatorlarni qo'llash me'yorlari, muddatlari va usullari, ekinlarni samarali navbatlab ekish tizimlarini qo'llash bo'yicha jahonning yetakchi ilmiy markazlari izlanishlar

olib bormoqdalar. Yerdan samarali foydalanishda ma'lum bir hududning tuproq-iqlim sharoitlariga mos bo'lgan organomineral o'g'itlar turlarini to'g'ri tanlash, qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish uchun ekinlarni oziqlantirishda organomineral o'g'itlardan foydalanishning ilmiy asoslarini yaratish va yo'lga qo'yish bugungi kunning dolzarb masalalardan biridir.

Mamlakatimizda takroriy ekin sifatida kungaboqar ekish ancha e'tiborga molik. Chunki bu o'simlik chorva va parranda uchun yemish, oqsil va moy

muammolarini hal qiladi. Ma'lumki, respublikamizda yillik harorat yig'indisi yuqoriligi hamda qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirishda jadallashtirilgan tuproqqa ishlov berish usullarini qo'llanilishi hamda ekinlarni sug'orish oqibatida tuproqda to'plangan tabiiy chirindi zahirasi kamayib bordi, natijada tuproq o'zining biologik xossalarini yo'qotilishiga olib keldi, ekinlar hosildorligi kamayib ketdi. Shu va boshqa masalalardan kelib chiqib, takroriy ekin sifatida kungaboqardan yuqori va ekologik toza hosil yetishtirishda organomineral o'g'itlar qo'llash agrotexnologiyasini yaratish va ularni qo'llashning tuproq unumdorligiga ta'sirini o'rganish dolzarb hisoblanadi.

Biz olib borgan tadqiqotning maqsadi Andijon viloyati o'tloqi tuproq sharoitida kuzgi bug'doydan keyin takroriy ekilgan kungaboqar ekini hosildorligiga va tuproq unumdorligiga Ekogum bio, Gidrogumat, Ekosil, Ekogum AF, Ekogum kompleks, Ekogum FK, Polibor va Immunoakt kabi organomineral o'g'itlar qo'llashning ta'sirini aniqlashdan iborat bo'ldi. Ushbu maqsadga erishish uchun tadqiqot ishi bajarish zimmasiga quyidagi vazifalar yuklatildi:

- organomineral o'g'itlarning tuproq unumdorligiga, tuproq tarkibidagi azot, fosfor va kaliyning harakatchan miqdorlari hamda gumus miqdoriga ta'sirini aniqlash;
- organomineral o'g'itlarning takroriy ekilgan kungaboqarning o'sishi, rivojlanishi va hosil strukturasi shakllanishiga ta'sirini aniqlash;
- organomineral o'g'itlarning takroriy ekilgan kungaboqarning hosildorligiga ta'sirini aniqlash;
- organomineral o'g'itlarning takroriy ekilgan kungaboqarning hosili sifat ko'rsatkichlariga ta'sirini aniqlash;
- organomineral o'g'itlar qo'llashning iqtisodiy samaradorligini aniqlash.

Tadqiqotda uning ob'ekti bo'lib, qadimdan sug'oriladigan o'tloqi tuproqlar, kungaboqar o'simligi, Ekogum bio va Gidrogumat, Ekosil VE 50 l/ga, Ekogum

AF, Ekogum kompleks, Ekogum FK, Polibor va Immunoakt organomineral o'g'itlari hisoblanadi. Tadqiqotning predmeti esa kungaboqarning o'sishi, rivojlanishi, hosildorligi, pishish muddatlari, mahsulot sifat ko'rsatkichlari, organomineral preparatlar qo'llanganda tuproq agrokimyoviy xossalarining o'zgarishi, tuproq unumdorligi hisoblanadi.

Ekinlar fiziologiyasi va bioximiyasining istiqbolli yo'nalishlaridan biri fiziologik faol moddalar, ya'ni o'sishni sozlovchi moddalar va mikroelementlarning o'simlik o'sishi, rivojlanishi va hosildorligiga ta'sirini aniqlashdan iborat.

B.Eshquvratov, A.Turdiyev [12; 16-b] biostimulyatorlar muayyan sharoitda o'simliklar to'qimalarida hosil bo'ladigan biologik faol moddalar hisoblanib, o'simlikning hayotiy funksiyalarini kuchaytiradi.

Demak, qishloq xo'jaligida biologik faol moddalarni qo'llash texnologiyasini ishlab chiqish va takomillashtirib borish o'simlikning ichki imkoniyatlarini yuzaga chiqarib, yuqori va sifatli hosil yetishtirish imkonini yanada oshiradi.

Sh.Nurmatov, R.Nazarov va boshqalar [11; 11-b] Qashqadaryo viloyati sharoitida paxtadan mo'l hosil olish uchun biologik faol o'stiruvchi moddalar Oksigumat, Natriy gumat, Silk, Print, Bioazot kabilar chigit ekish oldidan va amal davrida qo'llanilganda paxta hosili gektariga 2-3 s ortishini ta'kidlashgan.

V.N.Tarusina, T.V.Sokolova, G.G.Rusin [10; c/21-23] Ukrainada donli ekinlar urug'ini kremniy organik birikmalar kukuni bilan changlatishning nihollar unib chiqishiga, o'simlik o'sishi va rivojlanishiga, hosil va uning sifatiga ta'sirini o'rganishgan. Kremniy organik birikma polimetilsiloksan, ya'ni metilxlorosilanning polikondensatsiyalangan kubik qoldig'i (KO) preparati bo'lib, 33% li kukun shaklida qo'llanilgan. Kuzgi va bahorgi bug'doyning urug'lik doni KO bilan changlatilganda unib chiqqan 2-3 kunlik nihollarning kislorodga talabi nazoratga nisbatan kuchaygan va ertagi sog'lom

ko'chat olingan. Shuningdek barg yuzasi ortib, ildiz va barg vazni ko'paygan, barglardagi pigmentlar miqdori oshgan.

Shuningdek, o'simlikda nafas olish jadallashib, oksidlanish-qaytarilishda ishtirok etadigan fermentlarning faolligi vegetatsiya davri davomida yuqori bo'lgan, ya'ni moddalar almashinishi muvofiqlashgan. Ushbu preparat o'simlik tomonidan fosforning o'zlashtirilishini yaxshilaganini aniqlangan. Bunga kremniy organik birikma tarkibidagi silikatlar ta'sirida fosfatlar disorbsiyalanishi ko'chaygani oqibatida erishilgan. Shuningdek, makkajo'xorining vegetatsiya davri 2-3 haftaga tezlashgani va don hosili 51,2 ts/ga ni tashkil etib, nazoratdan (29,5 ts/ga) 21,7 ts/ga ko'paygani hamda oqsil miqdori 1,2 % ortgani kuzatilgan.

Sh.Abdualimov, D.Abayeva, Sh.Turdaliyeva [13;30-35-b] larning ma'lumotlariga ko'ra, makkajo'xori bilan o'tkazilgan

tajribada nihollarning unib chiqishi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkichlar UzGumi bilan 0,6 l/t ishlov berilganda 71,0-94,4 %, Bioenergiya-M 2,5-3 l/t qo'llanilganda 69-91,8 % bo'lgani hamda nazoratga nisbatan UzGumida 20,3-16,1 %, Bioenergiya-M da 18,3-13,5 % yuqoriligi kuzatildi.

Mazkur yo'nalish doirasida biz olib borgan dala tajribalari Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalari instituti-ning "Axborot maslahat markazi" DUK tajriba dalasining o'tloqi tuproq sharoitida o'tkazildi. Tajriba dalasining tuprog'i qadimdan sug'oriladigan o'tloqi tuproq, mexanik tarkibiga ko'ra og'ir qumoq, sizot suvlari sathi 2,0-2,5 metr chuqurlikda joylashgan.

Tajriba uchun ajratilgan maydon tuproqlari agrokimyoviy tahlil qilinganda, haydov qatlamida gumus 1,59 % ni tashkil qilib, yuqori darajada ta'minlanganligi aniqlandi(1-jadvalga qarang).

1-jadval

Tajriba dalasi tuprog'ining tajriba boshlanishidan oldingi agrokimyoviy analizi natijalari

Tuproq chuquri raqami	Tuproq qatlami, sm	Gumus miqdori,%	Harakatchan oziqa moddalar miqdori, mg/kg	
			P ₂ O ₅	K ₂ O
3 ta nuqtadan o'rtacha	0-30	1,59	16,8	230
	30-50	1,51	17,6	200

Xuddi shu qatlamda harakatchan fosfor miqdori 16,8 mg/kg ni tashkil etib, kam ta'minlanganligi, almashinuvchi kaliy bilan esa o'rtacha darajada (230 mg/kg) ta'minlanganligini ko'rish mumkin. Haydov osti qatlamida esa tuproqning ta'minlanganligi gumus, harakatchan fosfor va almashinuvchi kaliy bilan mos ravishda yetarli (gumus 1,51 %), kam (harakatchan fosfor 17,6 mg/kg) hamda kam (kaliy 200 mg/kg) darajada ta'minlanganligi aniqlandi.

Tajriba 8 ta variantdan iborat bo'lib, 3 ta qaytariqda takrorlanadi. Variantlar ikki yarusda joylashtiriladi, bitta paykal (delyanka) ning maydoni 144 m² ni, tajribaning umumiy maydoni 3456 m² ni tashkil etadi. Dala tajribalarini olib borishda "Дала тажрибаларни ўтка-

зиш услублари" [6; 2-28-b], agrokimyoviy xossalarini tahlil qilishda "Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии" [4; с.187], tuproqning agrofizikaviy xossalarini tahlil qilishda "Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель" [5; с.227-230] qo'llanmalaridan foydalanib, shular asosida tadqiqot ishlari amalga oshirildi.

Kungaboqar o'simligining o'sishi, rivojlanishi, hosildorligi va hosil sifatiga Ekogum bio, Gidrogumat, Ekosil, Ekogum kompleks, Ekogum FK, Immunoakt, Polibor va Ekogum AF organomineral preparatlarining ta'sirini o'rganish bo'yicha tadqiqotlar olib borildi. Jumladan, tajriba tizimida ko'rsatilgan tur, me'yor va muddatlarda organomineral preparatlar

qo'llanildi va kungaboqar ekinida quyidagi fenologik kuzatuvlar olib boriladi:

- kungaboqar urug'larining unib chiqishi aniqlanadi;
- o'suv davrlarida chinbarglar soni, asosiy poya balandligi, savatchalar diametri, 1 ta savatchadagi donlar soni va don og'irligi, 1000 dona don og'irligi, dondagi po'choq chiqishi foizi aniqlandi;
- tuproq tarkibidagi azot, fosfor va kaliyning harakatchan miqdorlari hamda gumus miqdori aniqlanadi.

Ekinlarning o'sishi va rivojlanishiga bog'liq holda ularning hosil strukturasi-ning shakllanishi ham tajriba variantlarida turlicha bo'ldi.

Kungaboqar hosil strukturasi 1 ta savatchadagi don og'irligi, 1000 dona don og'irligi va don chiqishi asosiy ko'rsatkichlar hisoblanadi. 1 ta savatchadagi don og'irligini aniqlash bo'yicha tahlil natijalari ildizdan tashqari 1-oziquantirishda ekosil, ekogum AF va polibor organomineral preparatlari, 2-oziquantirishda ekosil, ekogum kompleks, ekogum FK va polibor organomineral preparatlari qo'llanilgan 4-variantda eng yuqori bo'lganligini ko'rsatdi. Unda 1 ta savatchadagi don

og'irligi o'rtacha 76,69 grammni tashkil etib, organomineral preparatlar qo'llanilmagan nazorat variantidagiga nisbatan qariyb 21,2 gramm ko'p bo'ldi. 2 va 3-variantlarda 1 ta savatchadagi don og'irligi 59,92 va 61,34 grammni tashkil etib, nazorat variantidagiga nisbatan 4,43 va 5,85 gramm yuqori bo'ldi.

4-variantda 1000 dona don og'irligi va don chiqish ko'rsatkichi ham variantlar orasida eng yuqori bo'lib, ular mos ravishda 76,40 gramm va 37,23 % ni tashkil etdi. Tuproqqa ekishdan oldin gidrogumat preparati qo'llanilgan hamda vegetatsiya davrida 1-oziquantirishda ekosil, ekogum AF va polibor organomineral preparatlari, 2-oziquantirishda ekosil, ekogum kompleks, ekogum FK va polibor organomineral preparatlari qo'llanilgan 8-variantda ham 4-variantga yaqin natijalar olindi. Mos ravishda kungaboqarning 1 ta savatchadagi don og'irligi, 1000 dona don vazni hamda don chiqish foizlari 75,29 g; 14,28 g va 36,9 % ni tashkil qilib, 5-nazorat variantidan bitta savatchadagi don og'irligi 21,40 g ga, 1000 dona don vazni 12,72 g ga, don chiqishi 4 % ga yuqori ekanligi aniqlandi.

2-jadval

Organomineral o'g'itlarning kungaboqar hosil strukturasi ta'siri

Variantlar	1-qaytariqda			
	1ta savatchaning don bilan birga og'irligi, g	1ta savatchadagi don og'irligi, g	1000 dona don og'irligi, g	Don chiqishi, (%)
1(nazorat)	192,1	55,49	63,68	28,9
2	209,4	59,92	67,91	28,6
3	203,7	61,34	71,01	30,1
4	205,9	76,69	76,40	37,2
5 (nazorat)	187	53,89	61,56	32,9
6	204,3	58,32	65,79	32,2
7	198,9	59,94	68,89	34,6
8	201,1	75,29	74,28	36,9

Ma'lumki, har qanday ilmiy-tadqiqot ishlaridan olingan natijalarning bahosi albatta sinalayotgan omillarning ekinlardan olinadigan hosil miqdori bilan ifodalanadi. Biz olib borayotgan tadqiqot ishida ham kungaboqar hosildorligiga qo'llanilgan preparatlarning ta'sirini variantlar kesimida aniqladik. Ekinning variantlar bo'yicha olingan hosildorlik

natijalari 3-jadvalda keltirilgan.

Tajribada qo'llanilgan organomineral o'g'itlar, ekinning o'sishi va rivojlanishi hamda hosil strukturasi shakllanishiga bog'liq holda uning urug'hosildorligi ham har xil bo'ldi. Ekinni ildizdan tashqari oziquantirishda organomineral o'g'itlar qo'llanilmagan nazorat variantida kungaboqardan olingan don hosildorligi

23,9 s/ga.ni tashkil etgan bo'lsa, tuproqqa ekogum bio preparati 3 l/ga miqdorda qo'llanilgan hamda 1-oziglantirishda ekosil va ekogum AF organomineral preparatlari, 2-oziglantirishda ekosil, ekogum kompleks va ekogum FK organomineral preparatlarini birgalikda qo'llanilgan 2-variantda 26,0 s/ga hosil olindi. Variantlar orasida eng yuqori hosildorlik 1-oziglantirishda ekosil va immunoakt organomineral preparatlari, 2-oziglantirishda ekosil, ekogum kompleks va immunoakt organomineral preparatlari qo'llanilgan 4-variantda qayd etilib, 32,1 s/ga.ni tashkil etdi va nazorat-

dagiga nisbatan 8,2 s/ga qo'shimcha kungaboqar urug'hosili olishga erishildi.

Xuddi shunday qonuniyat ekinlarni ekishdan oldin tuproqqa gidrogumat preparati qo'llanilgan va vegetatsiya davrida 1-oziglantirishda ekosil va immunoakt organomineral preparatlari, 2-oziglantirishda ekosil, ekogum kompleks va immunoakt organomineral preparatlari qo'llanilgan 8-variantlarda ham kuzatilib, nazorat variantida 22,9 s/ga, 8-variantda esa 30,6 s/ga kungaboqar urug'i hosili olindi. Bu o'z navbatida nazorat variantidan 7,7 s/ga ga yuqori urug' hosili olinganligini ko'rsatadi.

3- jadval

Tajribada kungaboqar don hosildorligi (29.09.2022 yil)

Variantlar	Hosildorlik, ts/ga				Qo'shimcha hosil, ts/ga
	1-qaytariq	2- qaytariq	3- qaytariq	O'rtacha	
1 (nazorat)	23,75	22,91	25	23,9	0,0
2	26,66	26,25	25	26,0	2,1
3	28	28,83	31,75	29,5	5,6
4	30,83	32,5	32,91	32,1	8,2
5 (nazorat)	22,84	22,13	23,8	22,9	0,0
6	24,76	24,95	22,9	24,2	1,3
7	27,04	27,69	29,85	28,2	5,3
8	29,65	31,08	31,21	30,6	7,7

Yuqorida olingan natijalar asosida shunday xulosa qilish mumkinki, kungaboqar ekinidan yuqori hosil olish uchun tuproqqa kiritiladigan mineral o'g'itlar bilan birga ekinlarning oziqa moddalari-ga bo'lgan talabini qondirish maqsadida ularni 1-oziglantirishda ekosil, ekogum AF va polibor organomineral preparatlari, 2-oziglantirishda ekosil, ekogum kompleks, ekogum FK va polibor organomineral preparatlaridan birgalikda qo'llash yaxshi samara beradi.

Xulosa va tavsiyalar

Shuningdek, kungaboqar urug'ini ekish oldidan yoki ekish bilan birgalikda tuproqqa ekogum bio preparatida 3 l/ga qo'llash xuddi shu miqdorda gidrogumat qo'llashga nisbatan samarali bo'lishi aniqlandi. Olingan dala tajribalari natijalariga asosan quyidagicha dastlabki xulosalarni qilish mumkin.

1. Kungaboqar ekiniga ularni ildizdan

tashqari oziglantirishda 4-5 barg chiqarish fazasida 50 mg/ga me'yorda ekosil, 1,0 l/ga me'yorda ekogum AF va 0,5 l/ga me'yorda polibor organomineral preparatlari, 7-8 barg chiqarish fazasida 100 mg/ga me'yorda Ekosil, 2,0 l/ga me'yorda Ekogum kompleks, 1,0 l/ga me'yorda Ekogum FK va 1,0 l/ga me'yorda Polibor preparatlarini qo'llangan variantda kungaboqarning hosil elementlari shakllanish fazasida nazoratga nisbatan asosiy poya balandligi 9,9 sm, savatcha diametri esa 3,8 sm yuqori bo'ldi.

2. Kungaboqar ekiniga 4-5 barg chiqarish fazasida 50 mg/ga me'yorda ekosil, 1,0 l/ga me'yorda ekogum AF va 0,5 l/ga me'yorda polibor organomineral preparatlari, 7-8 barg chiqarish fazasida 100 mg/ga me'yorda ekosil, 2,0 l/ga me'yorda Ekogum kompleks, 1,0 l/ga me'yorda Ekogum FK va 1,0 l/ga me'yorda polibor preparatlari qo'llanganda

kungaboqarning 1 ta savatchadagi don og'irligi nazoratga nisbatan 21,2 gramm, 1000 dona don og'irligi 12,72 grammga yuqori bo'ldi.

Mazkur xulosalar asosida, kungaboqarni barg orqali oziqlantirishda preparatlar kombinatsiyasi tarkibi 1-oziqlantirishda ekosil, ekogum AF va polibor organomineral preparatlari, 2-oziqlantirishda ekosil, ekogum kompleks, ekogum FK va polibor organomineral preparatlaridan iborat bo'lganida eng yuqori

samaradorlikka erishilganligini hisobga olib, shuningdek, gumus miqdori yetarli va yuqori bo'lgan tuproqlarda Ekogum bio qo'llanilganda undagi mikroorganizmlar tuproqda faoliyati orqali o'simliklarning oziqlanishiga gidrogumat preparatiga nisbatan ijobiy ta'sir ko'rsatishini inobatga olgan holda yuqorida zikr etilgan kombinatsiyalarda, tuproqqa esa ekishdan oldin Ekogum bio preparati bilan ishlov berishni tavsiya qilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

Normativ-huquqiy hujjatlar va uslubiy ahamiyatga molik nashrlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 iyundagi "Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5742-son Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-son Farmoni.
4. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. – Т.:1977. – стр. 187.
5. Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель, – Т.:2004.
6. Дала тажрибаларни ўтказиш услублари, – Т.:2007.

Ilmiy maqola va tezislar

7. Muydinov X., Jo'rayev R. (2022). Makkajo'xori yetishtirishda qo'llanilgan mineral o'g'itlar me'yorlarining tuproq oziqa balansiga ta'siri. ilmiy tadqiqot va innovatsiya, 1(3), 102-107.
8. Makhammadiyev, S., Djurakul, S., Bakhtiyor, A., Jabbarov, Z., Jobborov, B., Mirzarakhmatovich, T. M., & Gulomovich, M. K. (2021). The formation of the nutrient medium in the soil is influenced by varieties and fertilizer and its impact on grain yield of winter wheat. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 5218-5230.
9. Кайсанова, Г. Б., Муйдинов Х. Г. (2021). Влияние органического гуминового удобрения тумат на качество тыквы. In Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 119-122).
10. Тарусина В.Н., Соколова Т.В., Русин Г.Г. Биологическая активность полиметилсилоксанов при предпосевном опудривании ими семян зерновых культур. Тезисы докладов Всесоюзной школы молодых ученых и специалистов «Теория и практика применения регуляторов роста растений в сельском хозяйстве», Москва, 1984 г, 21-23 стр.
11. Нурматов Ш. Қашқадарё вилояти шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириш омиллари. – Қарши, 2001, 11-б.
12. Эшқувватов Б., Турдиев А. Биологик фаол моддалар фойдами? Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2002, №1 16-б.
13. Абдуалимов Ш., Абаева Д., Турдиалиева Ш., Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида анғизга экилган маккажўхорида УзГуми ва Биоэнергия-М препаратларини қўллаш. Агропроцессинг журналы / Journal of Agro processing 6 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-6>, 30-35-б.

Internet manbalari

14. www.gov.uz
15. www.lex.uz
16. https://t.me/taiti_soil Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar institutining rasmiy kanali

USTOZ HAYOTI – BIZ UCHUN IBRATDIR!



**Professor Majidxon Bahodirov
tavalludining 120 yilligiga
bag'ishlanadi.**

Inson hayoti ona tabiatning – suv, havo va tuproq sofligiga bog'liq. Ularning har birini bahosi yo'q, beqiyosdir. Tuproqning o'zini ta'rif etadigan bo'lsak, kunlik iste'mol qiladigan non, oziq-ovqat, xo'l mevalarning barchasi tuproqda o'sadi. Shu sababli ona tuproqning ahamiyatini bilish – hayot-mamot masalasidir. Men o'zimni juda baxtli insonlardan biriman desam, mubolag'a qilmagan bo'laman. Chunki mening otam – O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, professor Majidxon Bahodirov mamlakatimizning birinchi tuproqshunos olimlaridan.

O'zlari hayot chog'larida 50, 60 va 70 yoshlik tavalludlari hamda ilmiy ishlari bo'yicha o'tkazilgan tadbirlarda ishtirok etganlar. Vafotlaridan keyin tavallud sana lariga bag'ishlangan tadbirlar Toshkent davlat agrar universitetida o'tkazib ke-
linmoqda. 2023 yilda marhum otamizning 120 yilik tavalludlari keng miqiyosda nishonlandi.

M. Bahodirov 1903 yili Toshkentda «Beglarbegi» madrasasining mudarrisi, o'z davrining mashhur olimi Bahodirxon Mahdum oilasida tug'ilgan. Dastlabki ta'limni otasidan arab va fors tillari bo'yicha, keyinchalik eski maktabda ta'lim olgan. Olti yoshida otadan yetim qolgana qaramay ilm olishga bo'lgan ishtiyoqi so'nmad.



1919-1921 yillarda o'qituvchilar tayyorlash kursida o'qib, boshlang'ich maktablarda o'qituvchilik qilgan. 1923 yilda shahar xalq maorifining «Mozorxon» mahallasi-dagi, eski usuldagi maktabni isloh etib, o'rniga 45-son maktabni tashkil qilib, shu maktabda mudir va o'qituvchi lavozimida ishlagan. 1925-1927 yillarda «Savodsizlikka qarshi kurash» shiori ostida boshlangan yurishda faol ishtirok etgan, savodxonlik kursini uyushtirib, o'qituvchilik qilgan. 1928-1930 yillarda u Ulug'bek, Cherni shevskiy nomidagi maktablarda hamda Pedagogi-ka bilim yurtida o'qituvchilik qilgan. 1930 yili Majidxon Bahodirov hozirgi Toshkent Davlat agrar universitetining agronomiya fakultetiga o'qishga kirib 1934 yili o'qishni imtiyozli tugatgach, 1935 yilgacha SoyuzNIXda tuproqshunos vazifasida ishlagan. 1935 yili hozirgi Toshkent davlat agrar universitetining «Tuproqshunoslik kafedrasiga» ishga taklif etildi.

1944 yilda M. Bahodirov O'rta Osiyo Davlat universitetida yangi tashkil qilingan Sharq fakultetiga o'tkazilgan. Arab tili grammatikasining bilimdoni sifatida «Arab tili kafedrasiga» mudirlik qilgan va 1948 yilgacha arab tilidan dars berdi. Olim tomonidan «Arab filologiyasiga kirish» qo'llanmasini va «Arab tili xrestomatiyasi» yaratilgan. Bulardan tashqari M. Bahodirov tomonidan «Arabcha o'qish kitobi» va «Al-muntaxobat ul-arabiyaya» singari kitoblari ham chop ettirilgan.

Mazkur kitoblar o'z davrida O'zbekistonda talabalarga arab tili va adabiyotini yangicha asosda o'rgatishda muhim munba bo'lib xizmat qilgan bo'lsa, hozirgi kunda ham ilmiy ahamiyatini yo'qotgan emas.

M. Bahodirov 1947 yilda qishloq xo'jaligi sohasidagi ilmiy ishlarining natijasi sifatida nomzodlik dissertatsiyasini yoqlab, qishloq xo'jalik fanlari nomzodi ilmiy darajasini oldi. Shu yili dotsentlik, 1971 yilda professor unvoni berildi.

Professor Majidxon Bahodirov nafaqat tuproqshunoslik sohasida, balki, Islom dini, Sharq falsafasi va lug'at sohasiga oid ilmlarni ham egallagan serqirra olim bo'lganlar. Ustoz olim tuproq sohasidagi zamonaviy bilimlarni Islom diniga oid ilmlar va Sharq falsafasi bilan bog'liq holda birlamchi manbalar asosida o'rganishga alohida e'tibor qaratganlar. M. Bahodirov ilmga bunday yondashish jamiyatni atrof muhitga nisbatan ongli munosabatini shakllantirishda muhim deb qaragan. U kishining mazkur jihatlari haqida hamkasblari va shogirdlari doimo to'lib-toshib gapirishadi, uning tuproqshunoslik fani sohasida ko'rsatgan fidoyiliklaridan faxrlanadilar.

M. Bahodirov kuch-quvvatini yosh avlod tarbiyasiga, talabalarga bilim berishga bag'ishlagan. Ona tuproqqa mehr kabi fazilatlarini o'zida mujassamlashtirgan olim pok qalbli va yuksak orzu-umidli, bag'ri keng, tom manoda ziyoli inson bo'libgina qolmay balki insonlarni o'ziga beixtiyor jalb qila oladigan va ularning qalbiga kirib bora oladigan mohir ustozdirlar.

«Talabalarni tuproq sirlaridan xabardor etish, ilmu ma'rifat o'rgatish katta hayotda o'z o'rinlarini topib olishlari uchun ko'maklashishdan ortiq xayrli baxt bormu bu olamda?» – der edilar. Shu bois tug'ma pedagog sifatida talabalarning sevimli ustozlari bo'lgan. U kishining rahbarligida minglab talabalarning tuproqshunoslik sohasining bilimdoni bo'lib vatanimizning qishloq xo'jaligi sohasida xizmat qilmoqda.

M. Bahodirov yuksak madaniyatli olimlik bilan birga ibratli oila boshlig'i ham bo'lganlar. U kishi olti farzandini madaniyatli va ilimli bo'lishiga alohida e'tibor qaratgan.

Majidxon Bahodirovning bir o'g'li – Vadudxon Bahodirov biolog, o'simliklarni himoya qilish ilmiy-tadqiqot institutida bo'lim mudiri bo'lib, boshqa o'g'li – Raufxon Bahodirov Toshkent to'qimachilik institutida katta o'qituvchi, bir qizi – Najiba Bahodirova Toshkent texnika institutida o'qituvchi, boshqa bir qizi – pedagogika fanlari nomzodi Zakiya Bahodirova Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muxandislar institutida dotsent, yana bir qizi – Rashida Bahodirova Toshkent shahridagi 70-maktabning oliy toifadagi o'qituvchisi, o'g'li – falsafa fanlar doktori, professor Ro'iqxon Bahodirov Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti loyiha rahbari sifatida faoliyat olib bormoqdalar.

M. Bahodirovning ko'p yillik samarali va faol mehnatlari hamda samarali ish faoliyatlari yuksak baholanib, «Hurmat belgisi» ordeni, «Shavkatli mehnat uchun» medali, «SSSR qishloq xo'jaligi a'lochisi» nishoni, «O'zSSRda xizmat ko'rsatgan fan arbobi» unvoni, O'zbekiston Kompartiyasi Markaziy Komitetining «Faxriy yorlig'i», O'zSSR Oliy Soveti Prezidiumining «Faxriy yorlig'i» bilan mukofotlangan.

Hozirda Toshkent Davlat agrar universiteti ilmiy kengashi qarori bilan universitetda «Professor Majidxon Bahodirov» nomli maxsus stipendiya ta'sis qilinib, universitet «Hurmat kitobi»ga qayd qilingan. Shuningdek, «Tuproqshunoslik kafedrasini»ning ma'ruza o'qish xonalaridan biriga Majidxon Bahodirovning nomi berilgan.

Najiba Bahodirova

[illegible]

[illegible]

«Tuproqshunoslik va agrokimyo» ilmiy jurnalida maqola chop etish uchun qo'yiladigan T A L A B L A R

«Tuproqshunoslik va agrokimyo» ilmiy jurnaliga taqdim etiladigan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar jahon andozalari hamda O'zbekiston Respublikasida amal qilayotgan PhD tadqiqotlari tizimidagi andozalardan kelib chiqadi. Maqolada ko'tarilgan muammolarning mazmuni, tadqiqot uslubining tavsifi, muallif tomonidan olingan ma'lumotlar hamda xulosalar qisqa va aniq bo'lishi shart.

Maqola tizimini quyidagicha shakllantirish talab etiladi:

1. Muallif (yoki mualliflar) tomonidan taqdim etilayotgan ilmiy maqola mavzusi «Tuproqshunoslik va agrokimyo» ilmiy jurnalining ruknlariga mos kelishi shart.

2. Maqola xalqaro andozalar talab doirasidagi quyidagi talablar bo'yicha shakllantirilishi lozim:

- Maqola mavzusi (Title);
- Maqola muallif(lar)i to'g'risida ma'lumot (information about the author);
- Maqola annotatsiyasi (Annotation);
- Kalit so'zlar (key words);
- Kirish (Introduction);
- Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review);
- Tadqiqot metodologiyasi (Research methodology);
- Tahlil va natijalar (Analysis and results);
- Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations);
- Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati (References);

Maqolalar o'zbek, rus, yoki ingliz tillarida taqdim etilishi mumkin. Yuborilgan maqolalarning barchasi «Antiplagiat» tizimida tekshiriladi.

Jurnalda quyidagi asosiy yo'nalishlar bo'yicha ilmiy maqolalar e'lon qilinadi:

- Tuproqshunoslik;
- Agrokimyo;
- Tuproq kimyosi va mineralogiyasi;
- Agrotuproqshunoslik;
- Tuproq mikrobiologiyasi, tuproq zoofaunasi;
- Tuproq melioratsiyasi va sug'orma dehqonchilik;
- Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish.

Maqolani rasmiylashtirishga qo'yiladigan talablar:

- Matn – Microsoft Word.
- Maqola matnni chapdan – 3 sm, o'ngdan – 1,5 sm, yuqori va pastdan – 2 sm qoldiriladi.
- Shrift – Times New Roman.
- Maqola matni shriftining kattaligi – 14; Qatorlar oralig'i – 1,15; Xat boshi (abzas) – 1,27.
- Muallifning ismi, familiyasi, otasining ismi, ish joyi (o'qish joyi), lavozimi, elektron pochta manzili haqidagi ma'lumot maqola yuqori qismining o'ng tarafiga kichik harflarda, maqola qaysi (o'zbek, rus, ingliz) tilda yozilgan bo'lsa o'sha tilda, kursiv (Shriftning kattaligi – 14. Qatorlar oralig'i (interval) – 1 bilan yoziladi.
- Maqolaning nomi qaysi tilda yozilishidan qat'iy nazar (Shriftning kattaligi – 14) – bosma harflarda markazda qo'yiladi.
- Maqolaning qisqacha annotatsiyasi o'zbek, rus, ingliz tillarida bo'lishi lozim. Shriftning kattaligi – 12. Qatorlar oralig'i (interval) – 1 yozilishi lozim. Annotatsiyadagi so'zlar soni kamida 60-80 ta.
- Kalit so'zlar – (10-12 tadan kam bo'lmagan) uch tilda o'zbek, rus, ingliz tillarida beriladi.
- Maqola mavzusiga mos UO'T indeksi birinchi sahifaning chap burchagiga qo'yiladi.
- Jadvallar minimal (3-4 jadval) miqdorda matn ichida beriladi. Ularning hajmi 1 sahifadan oshmasligi kerak. Jadval, grafik va maqola matnlarida bir xil ma'lumotlarni takrorlash mumkin emas. Jadvallar nomlanishi va nomerlanishi shart (jadval 1, jadval 2). Illustrasiyalar eng ko'pi bilan (2-3 rasm) bo'lishi kerak, maqolaning zarur joylarida suratlarga ilova qilinadi (rasm 1, rasm 2).
- Matndagi havolalar quyidagi tartibda shakllantiriladi; [1] yoki [2, C.170] yoki [3, C.132, 185, 193].
- Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati alifbo tartibida (Times New Roman; 12 shrift; 1.0 interval) ko'rsatilishi lozim.
- Tayyor maqolaning hajmi 8 betdan kam bo'lmazligi lozim.

Jurnalda nashr etilgan maqolalarda keltirilgan ma'lumotlarining haqqoniyligiga mualliflar mas'uldir.

Maqolalar tahrirdan o'tkaziladi, shuningdek, tahrirdan o'tmagan maqolalar jurnalda chop etilmaydi. Jurnal- ning har bir soni TATI ning www.soil.uz saytining «ILMIY JURNAL» platformasining «Tahririyat» qismida va Institutning t.me/tati_soil telegram kanalida muntazam ravishda joylashtirilib boriladi.

TAHRIRIYAT

